# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

32 (978)-сон
12 — 18 август 2010 йил
Web-site: oilavajamiyat.uz


## МАЛИКАНИ ТУШУНГАН АЁЛ

ёхуд бир оила мисолида хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига назар

3



4



## ИНТЕРНЕТ ХОЛИС ДАСТЁРМИ ЁКИ?..

## ОИЛАДАН ТАШҚАРИДА БАХТ ЙЎҚ

5






13

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



*Нони бутун, лафзи ҳалол, ризқи мўл халқ бахтлидир!*

Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

### КЕЧА:

➔ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 август куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Кацуя Окадани қабул қилди.

➔ Пойтахтимиздаги “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича энг улуғ, энг азиз байрам — юртимиз Истиқлолининг 19 йиллигига бағишланган “Мустақиллик кубоги” республика турнири бўлиб ўтди.

➔ Шу йилнинг 14–26 август кунлари Сингапурда бошланадиган ўсмирлар ўртасида I ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун 21 нафар ўзбекистонлик иқтидорли спортчилар жўнаб кетишди.

### БУГУН:

➔ Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган “Ҳур ўлка ранглари” деб номланган бадиий кўргазмада қорақалпоғистонлик рассомларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.

➔ Америка Қўшма Штатларининг Цинциннатти шаҳрида ўтказилаётган мукофот жамғармаси 2 млн. АҚШ долларига тенг нуфузли халқаро турнирнинг биринчи босқичида ғалаба қозонган мамлакатимиз вакиласи Оқгул Омонмуродова иккинчи босқич баҳсини давом эттиради.

### ЭРТАГА:

➔ Кечагина бутун дунё миқёсида нишонланган Халқаро ёшлар куни(1999) доирасидаги тадбирлар мамлакатимизда давом этмоқда.

➔ «Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой» деб номланган мавсум юмушлари билан банд пахтакорлар ёзнинг машаққатли синовларидан муваффақиятли ўтишмоқда.

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


106 ёшли Жаннат момонинг дуоси — 2

Меҳр яшар, муҳаббат яшар — 3

Ёлғончи қизнинг найранглари — 5

Баднафслик, хасислик қимматга тушди — 5

Булдурғун — малинанинг сирини биласизми? — 6

Болалар таътилда ҳам ижод билан машғул — 7

Теледастурлар — 8–9

Соқол қўйган... хоним ёки мода эскирган урфми? — 10

Ота ўғил билан дардлашса... — 11

Уяли телефон «эпидемия»си — 12

«Этакдан тўкилган тош» ёхуд ён қўшни — жон қўшни — 12

Англияда ҳам тарвуз пишар экан... — 14

«Насаф»да янги мураббий иш бошлади — 14

«Бахтли бўлинг» саҳифаси ўзгарди! — 15

Бир сигирнинг пулига... тўй қўйлаги — 16

Товламачининг ёлғон макрига ишонган кампир бойлигидан айрилди — 16

Дўкондан чек сўраш керакми? — 16

# ЖАННАТ МОМОНИНГ ДУОСИ

**ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР**

Андижон вилоятининг Балиқчи тумани Балиқчи қишлоқ фуқаролар йиғини Гуловон маҳалласида тўрт шажара қайнона-келинлар истиқомат қилишади. Жаннат момо Муллажонова бу йил 106 ёшни қаршилади. 400 нафар невара, сон-саноқсиз чевара ва эваралари онахон атрофида парвона.

Табаррук ёшни қаршилаган Жаннат momoнинг юзидан нур ёғилади. Катта келини 84 ёшли Ғазинахоннинг ўзи бир этак фарзанд, невара,евараларни эркалаб, суйиб ўтирибди. Лекин қайнонасидан хабар олишни, ёнида ҳамсуҳбат бўлишни канда қилмайди. Қолган келинлари, қизлари ҳам кексалик гаштини суриб яшашмоқда. Бу ҳовлидаги тўй-томоша, фарзандлар, невара-чеваралар, қуда-андалар тўпланишганини кўрсангиз, бир қишлоқнинг одамлари йиғилибди-да, дейсиз. Негаки, ёшу кекса, турли ёшдаги одамларнинг ҳаммаси шу Жаннат момонинг қондошлари, шажарасининг давомчилари саналади.



Бир-бирига меҳрибон қайнона-келинларга қараб, кўнгилдан шундай ёруғ ўйлар ўтади: қайноналик узвий бир занжир, маънавий боғлиқлик, бағри бутунлик экан. Кечагина катта ҳовлига келин бўлиб тушган Ғазинахон опанинг келини Маҳмудахон ҳам бугун қайнона. Чевара келин Шаҳнозахон эса катта ҳаёт остонасига энди қадам қўйди...

Бугунги дориломон кунларга шукрона айтиб, истиқлолимизнинг қадрига етмоқни ҳар сўзи-дуосида алқаб яшаётган Жаннат момонинг самимий дил изҳорларини эшитиб, боши осмонга етади, вужуди фахру ифтихорга тўлади кишининг.

— Бундай ҳур ва озод замонлар, тўкин ва фаровон ҳаёт етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Ана шундай кунларни кўрмоқ бизларга насиб этганидан минг бора Яратганга шукрона айтаман. Илоё, мустақиллигимиз абадий, халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
**Андижон вилояти.**

# ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

Ҳар йили мамлакатимиз миқёсида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танловининг вилоят босқичлари ниҳоясига етиб бормоқда. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ЁИҲ ва "Ҳунарманд" уюшмасининг вилоят бўлимлари мазкур хайрли тадбирларни ўтказишда бош-қош бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида якунланадиган ўзига хос кўрик-танловда барча вилоят ва шаҳар, туманлардан миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган қўлигул усталар, заргару дўппидўзлар ўз санъатларини намойиш этишмоқда. Яқин кунларда танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЯНА БИР БАХТЛИ ОИЛА

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйида ўзига хос бир шодиёна нишонланди.

«Қўшчинор» тўйхонасида мазкур Меҳрибонлик уйида тарбияланган Зуҳриддин Раҳмонов ва Навбаҳор Шерматоваларнинг никоҳ оқшоми бўлиб ўтди. Меҳр маскани раҳбари Тоштемир Сатторов тўйни ўтказишга бош-қош бўлган саховатли инсонлар — Мавжуда Шаропова, Бекмурод Раҳматов, Ҳусниддин Жўраев, Шуҳрат Жаҳонгиров, Лутфилло Эшбоевларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

**ШУКУҲ**



Никоҳланувчи ёшларни туман ҳокимлиги номидан туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Розия Ашурова, туман ФҲДЁ бўлими мудири Сарвиноз Абдуллаева ва бошқалар самимий табриклаб, уларга бахт-саодат тиладилар.

— Бағрикенг юртдошларимизнинг меҳр-мурувватларидан чексиз қувондик, — дейди куёв Зуҳриддин Раҳмонов. — Насиб этса, ҳамма ҳавас қиладиган оила соҳиблари бўламиз.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
**Қашқадарё вилояти.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга оид қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

### Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | код: 8371 | 232-43-91 232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | код: 8371 | 273-74-81 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, барча туман — шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**




# НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Фарзанд тарбиясида кўпроқ ким масъул? Оиладаги низолардан кўпроқ ким жабр кўради? Никоҳ шартномаси ҳақида биласизми? Бир қараганда оддий саволлар. Аммо бундай жумбоқларга ёш оилалар қандай ечим топиши сизни қизиқтириши табиий.

Самарқанд вилоят Ёшлар марказида ўтказилган танловда ёш оилалар бу каби саволларга жавоб бериш, шунингдек, спиртли ичимликлар билан боғлиқ муаммоларни саҳнага олиб чиқиш ҳамда оилада ўзларининг тежамкорлик каби хислатларини намойиш этишда тезкорлик билан ҳаракат қилишди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг вилоят босқичида 8 та тумандан ёш оилалар иштирок этишди.

— Танловдаги саволлар кутилмаган ва, шу билан бирга, маъноли бўлди, — дейди танлов ғолиблигига эришган ургутлик Хуршид Рашидов. — Рафиқам Гулбаҳор ҳам, ўзим ҳам Ургут тиббиёт коллежида ўқитувчимиз. Икки нафар фарзандимиз бор. Бугун давлатимизнинг ёш оилаларга ғамхўрлиги, уларни қўллаб-қувватлаётганининг бош мақсади ҳам оилалардаги соғлом муҳитни сақлаш, хотиржамликни асраш. Демак, биз ёшлар шунга мос тарзда ҳаракат қилишимиз лозим.

Танлов якунида иштирокчиларга фахрий ёрлиқ эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

# ОГОҲ БЎЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Ховос темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими Бекобод темир йўл бекати тармоқ ички ишлар бўлинмаси ташаббуси билан шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, прокуратура, «Камолот» ЁИҲ ва мазкур ҳудудга яқин жойда яшаётган маҳалла аҳли вакиллари иштирокида баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ масалалар, шунингдек, вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга бағишлаб, «Ёшлар — келажагимиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тармоқ ички ишлар бўлими томонидан келтирилган маълумотларда қайд этилганидек, жорий йилнинг 6 ойи давомида 14 хил турдаги жиноят рўйхатга олинган бўлиб, шулардан еттитаси ўғирлик, яъни, давлат мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқлиги таъкидланди. Жумладан иккита жиноят вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилган бўлиб, айбдорлар тегишли тартибда қонуний жазосини олишган.

Тадбирда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасида гуруҳи раҳбари, лейтенант Маҳмуджон Назаралиев ва лейтенант Асрор Болиевларнинг ўз зиммаларидаги топшириқларни шараф билан адо этаётгани алоҳида қайд этилди.

**Турдикул НОРМАТОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# СОҒЛИГИМ — БОЙЛИГИМ

Европа иттифоқи, ЮНИСЕФ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигидаги "Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш" лойиҳаси асосида фаолият юритган республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиали жамоасига "Болага дўстона муносабатдаги шифохона" халқаро сертификати тантанали суратда топширилди.

Мазкур лойиҳага биноан хизмат кўрсатган Бахмал, Фориш, Зомин ва Ғаллаорол туманлари туғруқхоналари ҳам алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

**Доногул ЖЎРАЕВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

# МАЛИКАНИ ТУШУНГАН АЁЛ

## ёхуд бир оила мисолида хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига назар

Баҳорнинг салқин, серёғин кунларидан бири эди. Кечаси билан ёмғир шивалаб ёққан, эрталаб қуёш кулиб турган бўлса-да, ҳали нам ҳаво этни жунжиктирадиган даражада. Шундай ҳавода эрталабдан опанинг хонасига ҳорғин, бошидаги рўмоли ҳам ҳафсаласиз ўралган, кўзлари умидга тўла бир аёл кириб келди.

— Мени уйимдан ҳайдаб юборишди... — буёғига Малика гапиролмади, кўзёшлари аёл сабрининг сўнгги томчисидай қуюлаверди.

Ҳафиза опа аёлга руҳан далда берди. Унинг ёрдамга муҳтожлиги аниқ бўлса-да, ишни эртароқ бошлаши, аммо фақат унинг сўзлари билан хулоса чиқармоққа шошмаслик кераклигини ҳис қилди. Воқеанинг қисқа мазмунидан хабардор бўлгач, аёлни машинага миндириб, йўлга тушди. Уни аввал туман тиббиёт бирлашмасига олиб бориб, тиббий кўрикдан ўтказишди. Жувонга тиббий ёрдам кўрсатилди, руҳияти тинчлантирилди.

Хулоса чиқаришга шошилманг. Аёл соғлиғидан шикоят қилиб келгани йўқ. Ҳафиза Ўсарова ҳам тиббиёт ходими эмас, у киши Самарқанд вилояти Жомбой туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

— Аҳолининг репродуктив саломатлиги, аёлларнинг ҳунарли, ўқимишли бўлишига шахсан Президентимиз, давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта, — дейди Ҳафиза опа. — Шу масалада Президент қарорлари ва унинг жойлардаги ижроси юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ўз самарасини бермоқда. Аммо ҳали қилинажак ишларимиз кўп. Бугун аёллар илму ҳунарли бўлса оилаларда турли низолар камроқ учраши кундай равшан.

Дарвоқе, Жомбой туманида ҳозирги кунда 64 минг 440 нафар хотин-қиз бор. Уларнинг 38 минг 377 нафари фертил ёшдаги аёллар ҳисобланади. Бугунга қадар уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди, 24 минг 952 нафари соғломлаштирилди. Қишлоқ жойларда яшайдиган ҳомиладор аёллар фолий кислотаси мавжуд умумий мустаҳкамлайдиган поливитаминлар билан ҚВП врачларининг тайинлов рецепти бўйича таъминланади.

Дўстлик, Оқ олтин, Қорариқ ҚВПларида жорий йилда таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Ғўбдин ҚВПда янги бино қуриш учун иш бошлаб юборилган.



Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш учун «Саломатлик — 2» лойиҳаси бўйича туман туғруқ комплексига, Нўш ҚВПсига ФЭК, наркоз аппарати берилди. Шодлик, Алишер Навоий, А.Қурбонов маҳаллаларида саломатлик маданиятини шакллантириш бўйича ўн кунликлар ташкил этилди.

...Маликага ҳам сифатли тиббий ёрдам кўрсатилди. Лекин унинг муаммоси фақатгина бунда эмасди-да. Қўмита қошида ташкил этилган, ҳозирда яна иккита маҳаллада очилиши режалаштирилган «Оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази» туманда икки йилдан бери фаолият юритади. Ҳафиза Ўсарова Малика билан ўша ерга борди.

— Шу марказ сабаб туманда 80 нафарга яқин аёллар ишли бўлишди, — изоҳ беради суҳбатдошим. — Асосан тикув ишлари билан банд бўлган бу аёллар уй-рўзғор учун зарур буюмлар тикиб сотишади. Маликага шу ерда ҳунар ўрганиш учун йўлланма берилди...

Умуман, жорий йилнинг шу даврига қадар туманда Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан 900 нафардан зиёд аёллар иш билан таъминланди, 50 нафар қиз касбга қайта ўқитилди. 87 нафар аёл жамоат ишларига жалб этилди.

...Маликанинг муаммоси ҳали ечилганича йўқ. Ахир, уни уйидан ҳайдаб юборишган. Фарзандларидан мосуво бўлган, ота-онаси йўқ бир жувоннинг бундай кўчага тушишига нималар сабаб бўлганини барибир бир шахснинг нуқтаи назари билан ҳал қилиш қийин.

Малика истиқомат қиладиган маҳаллага боришганда куннинг тенг ярми ўтиб кетганди. Аксига олиб маҳалла маслаҳатчиси ҳам коммунал тўловлар масаласи билан чиқиб кетган экан.

— Тўғри, бугун маҳалла маслаҳатчилари зиммасидаги вазифалар ортмоқда, — фикрини билдиради опа. — Асосий ишларидан ташқари коммунал тўловлар дейсизми, пилла ва бошқа шу каби масалаларда ҳам маҳалла маслаҳатчиларига суяниляпти. Лекин бу каби ёрдамчи ишлар уларнинг асосий, муҳим ишларидан чалғитмаслик керак. Аввало, ишни режалаштириб олишса, маълум бир график асосида ташкил қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Дейлик, коммунал тўловлар масаласи бўйича жойларга чиқдингизми, биратўла ўша ҳудуднинг нотинч оилаларига ҳам кириб ўтиш керак. «Аҳвол қандай эди-ю, қандай ўзгаришлар бўлди?» Мана шундай тартибда ишлайдиган маҳаллаларимиз ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, бу йил туманимизда нотинч оилалар сони 15 тага камайди, ажримлар ўтган йилнинг шу даврига қадар 57 та бўлган бўлса, бу йил уларнинг сони 37 тани ташкил этди. Тушунтириш ишлари натижасида бир йил оралиқ-танаффус билан бўлган тўғруқлар сони 15 тадан 6 тага камайди. Оилаларни яраштирув бўйича маҳаллалар билан ҳамкорликда қатор ишларни олиб боряпмиз.

— Узр, Ҳафиза опа, ишлар билан бўлиб... — шошиб кириб келган маслаҳатчи опанинг овозида узрхоҳ оҳанг бор эди. — Бу оилада жанжаллар бўлиб турарди, лекин шу даражага етади, деб хаёлимга келтирмабман. Қайнонаси ҳеч кимнинг гапига қулоқ солишни истамайди. Сизга нима етмаяпти, десак, турли баҳоналар топади. Тўғри, келиндаям озроқ айб бордир, лекин бу камчиликлар ҳаммада ҳам бўлиши мумкинлигини ҳеч тушунтиролмаяпмиз-да. Икки-уч бора маҳалла фаоллари билан шу хонадонга тушунтириш ишлари олиб бордик. Лекин натижа бўлмади.

— Ундай бўлса, қани, бизни ўша хонадонга бошланг, — Ҳафиза опа йўлда ҳам маслаҳатчи опанинг фикрларини тинглаб борди.

— Ўзи уларнинг жанжалларига арзимас баҳоналар сабаб бўлади, — сўзини давом эттирарди маслаҳатчи опа. — Икки аёл уйда ўтирса, албатта, бир-биридан камчилик топаверадида. Келиннинг бирор ҳунари бўлса, вазият сал бошқачароқ тус олармиди?..

**АЁЛ ВА ЖАМИЯТ**

* * *

— Сизни маъмурий тартибда жазолаймиз, — айтилган гап-сўзлар кор қилмагач, сўнгги қатъий фикрни билдирди Ҳафиза опа. — Иккита болани онасидан тортиб олиб, унинг ҳам ҳаққи бўлган уйдан ҳайдаб юборишингиз қайси қонунга тўғри келади?..

Қайнона бироз пасайгандек бўлди. Келинининг айбларини айтди. Келин ҳам ўз хатоларига иқрор бўлди, сўнг бир-биридан кечирим сўрашди...

Ҳафиза опа бу хонадондан чиқаркан, кўнглида ҳали ҳам уларнинг тинч-осойишта яшаб кетишига бироз шубҳа бор эди. Икки ҳафталардан сўнг йўли яна шу маҳаллага тушиб, уларнинг хонадонига ҳам кириб ўтди: уйда қайнона билан болалардан бошқа ҳеч ким йўқ экан.

«Келиним тикиш ўрганаяпти, айланай, қўрқмай келаверинг», — онанинг сўзлари самимий экани билиниб турарди...

Ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвишу қувончлари бор. Ташқаридан қараганда, бир хил кўринган муаммоларни ҳал қилишда ҳам ўзига хос ёндашувлар зарур. Баъзи хонадонлардаги низолар биргина эътибор билан ҳал бўлса, бошқа бир оила учун бунга йиллар керак бўлади. Юқоридаги оила ҳам бир эътибор билан тикланиб кетди.

— Бугунги хотин-қизлар қўмиталари фаолияти билан бундан ўн йиллар аввалги қўмитанинг фаолиятида кескин фарқ бор, — дейди Ҳафиза Ўсарова. — Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сўнг ушбу тизимдаги иш тартиби янаям жонланди. Энди қўмиталар фақат маиший муаммолар эмас, балки хотин-қизларнинг ижтимоий нуфузини ошириш йўлида ҳам иш олиб бораяпти. Бунинг учун барча имконимиз бор. Мақсад эса битта — оилаларнинг тинч-хотиржамлиги, демакки, жамиятимизнинг фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшиш.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
**Самарқанд вилояти.**

**ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИДАН**

# МЕҲР ЯШАР, МУҲАББАТ ЯШАР

Муҳаббатни оиланинг қўрғони дейдилар. Эр-хотин ва фарзандлар эса унинг мустаҳкам устунларидир. Юсуфжоннинг қалбида ҳарбий соҳага бўлган орзу-ҳавас муддатли хизматни ўтаётган пайтда пайдо бўлган эди. Бориб-бориб бу қизиқиш чин мақсадга айланди ва у ихтиёрий равишда шартнома бўйича хизматда қолиш истагини билдирди.

— Йигит учун Ватанни ҳимоя қилмоқ — энг муқаддас бурч. Ўғлимнинг бу қарорини эшитиб, бошим осмонга етди, — дейди отаси Ташан ака мамнуният билан.

Онаси Ҳадича опанинг ҳам қувончини таърифлашга сўз ожиз. Хуллас, Юсуфжон учун яна масъулиятли давр бошланди.

— Сен тенги йигитлар аллақачон уйланиб, болали-чақали бўлишди, бу йил тўйингни қилмоқчимиз, — деди бир куни отаси, Юсуфжон таътил олиб қишлоққа келганида.

— Агар кўнглингга ёққани бўлса айт, — деди Ҳадича опа ҳам турмуш ўртоғининг гапини қувватлаб. — Совчи бўлиб борайлик. Биз ҳам орзу-ният қилганмиз, ўғлим.

Ота-онасининг бу таклифидан бироз ўнғайсиз аҳволга тушган Юсуфжон жўялироқ гап айтмади. Фақатгина хижолат ила «Ўзларингиз биласизлар», деб қўйди. Бу гап уларга ҳам маъқул бўлди ва келин топиш ҳаракатига тушиб қолишди. Ўзбекчилик-да, ҳар ким хонадонига кириб келадиган келинни ақлли-одобли, оқила бўлиши, энг асосийси, хонадон соҳибларининг ҳурматини жойига қўйишини истайди. Ва ниҳоят, келин ҳам топилди. Қўшни қишлоқлик узоқ қариндошлари Улашбой аканинг қизи Нилуфархон Юсуфжонга ҳам ёқди. Бўлажак келин-куёвларнинг илк учрашувдаёқ бир бировларига меҳри тушди. Шундай қилиб, барчанинг ҳаваси келадиган тўй ҳам бўлиб ўтди...

Оила бошлиғи сержант Юсуфжон Деҳқонов ва уй бекаси Нилуфархон мана етти йилдирки, бир-бирларини меҳр-муҳаббат билан ардоқлаб келишаяпти. Етти йиллик сабр ва ирода меваси сифатида дунёга келган Умиджон эса хонадоннинг чироғи, бахтию ҳаловати. Нилуфархон пазанда, чевар, хуллас, бир ўзбек аёлига хос кўплаб фазилатлар соҳибаси. У юрт посбонининг йўлдоши бўлганидан, бахтли оила соҳибаси эканлигидан беҳад шод. Юсуфжон ҳам турмуш ўртоғидаги ана шу ибратли жиҳатларни қадрлайди.

Бугун фахр билан тилга олаётган оила соҳибларидан бундай аҳиллик ва тотувликнинг сирини сўраймиз. Иккаласи ҳам баравaрига бир-бирининг ижобий хислатларини санаб беришади. Ҳарбий шахарча аҳли ҳам бу бахтли хонадонга ҳавас билан қарашади.

Ҳарбий оила бекалари билан суҳбатлашганда улар учун сабр ва қаноатнинг ўрни нақадар муҳим эканини яққол сезасиз. Чунки улар турмуш ўртоқларининг хизматлари сабаб кўп ҳолларда республикамизнинг турли ҳудудларида, ҳар хил шароитларда яшашларига, шунга кўникишларига тўғри келади.

— Оилада эр ва хотин бир-бирини тушуниб, сирдош ва кўмакчи бўлиб яшаса, шунинг ўзи катта бахт, — дейди Нилуфархон. — Ана шундагина бу хонадонда файзу барака, тотувлик бўлади. Тўғри, ҳарбийнинг аёли бўлишнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Негаки, турмуш ўртоғингизнинг юрт осойишталиги йўлида ўтказадиган беҳаловат кунларида сиз ҳам биргасиз. Шу боисдан ҳам уларнинг масъулиятини, машаққатини яхши англайман.

Ғайрату шижоати билан обрў қозонган Юсуфжон Деҳқоновнинг бу соҳада хизмат қилаётганига ҳадемай ўн йил тўлади. Дастлаб офицерлар — Анвар Жаъфаров, Акмал Ортиқовлардан ҳарбийликнинг ҳадисини олган сержант Деҳқонов ўз вазифасини ниҳоятда пухта билади. Ёшлигидан катта даврада кураш тушиб юрган бу йигит ҳарбий қисм миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида ҳам бир неча бор фахрли ўринларни эгаллаган.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ИНТЕРНЕТ ХОЛИС ДАСТЁРМИ ЁКИ?..

**— Тоҳиржон, овқатинг совиб қолади, кела қол тезроқ....**

**Компьютерда интернет орқали ўйин ўйнаб ўтирган болакай ойисининг чақириғини беэътибор қолдирди. Орадан ярим соат вақт ўтди.**

**— Ўғлим, инглиз тилидан машғулотга кеч қоласан, компьютерни ўчир энди.**

**Болакайнинг "ҳоз-и-ир" деган овози эшитилди ва у яна пинагини бузмай машғулотини давом эттираверди. Фарзанди ўзининг айтганини қилмаётганидан жаҳли чиққан она бу сафар унинг олдига келиб, овозини баландлатди:**

**— Эрталабдан буён шу матоҳга термулиб ўтирибсан. Агар ҳозироқ турмасанг, бундан кейин бирорта айтган нарсангни олиб бермайман.**

**— Майли, обермасангиз, оберманг!**

**Она суюкли фарзанди компьютерга қачон бунчалар боғланиб қолишга улгурганидан ҳайрон бўлганича, унга ажабланиб қаради...**

Сўнгги йилларда интернетнинг "иллат"лари, унинг ўсиб келаётган ёш авлод онгига салбий таъсири ҳақида кўп гапирилмоқда. Албатта, бу чегарасиз маконнинг ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари мавжуд. Хўш, булар нималардан иборат? Интернет исталган зарур маълумотларни тез олиш, масофани яқинлаштириш, тезкор ахборот алмашиш, телевизор, радиони шахсий компьютерингизда ўтириб кўриш ва эшитиш, жуда ҳам улкан ахборотга эга бўлиш ва ҳоказолар имконини беради. Маълумки, болаларнинг аксарияти интернет кафеларига халқаро тармоқнинг мана шундай имкониятларидан фойдаланиш учун эмас, балки фақат турли хил ўйинларни ўйнаш, ўқув йилида эса тайёр рефератларни кўчириш учун келишади. Бугунги кунда мактаб ва бошқа ўқув юртлари дастуридан ўрин олган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш интернет туфайли "беш дақиқалик ишга" айланди. Ўқувчилар, талабалар керакли мавзуга оид зарур маълумотларни интернетдан топиб, устига "реферат" сўзини қўндириб, баҳо олишмоқда. Энг ачинарлиси, кўп ҳолларда ўқитувчилар реферат мазмунини сўраб ҳам ўтиришмайди. Ўқувчи эса жонини койитмай, китоб ўқимай баҳо олганидан хурсанд. Бу билан ким кимни алдаяпти? Ўқитувчи "ҳисобот" учун рефератларни йиғиб олиб, ўқув режасини бажараётганини кўрсатиб, атрофдагиларни алдаяптими ёки ўқувчи ҳатто матнига кўз югуртирмай, реферат топшириб, баҳо олиб, ота-онасини хурсанд қиляптими? Зеро, реферат кичик тадқиқот бўлиб, ўқувчиларда мактаб давриданоқ илмий изланиш олиб бориш кўникмаларини шакллантириш учун топшириқ сифатида берилади.

Энди компьютер ўйинлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги зўравонлика, оммавий қирғин қуролларини тарғиб этишга асосланган. Аммо компьютер технологиялари ривожланаётган асримизда болаларга виртуал ўйинларни ўйнашни бутунлай тақиқлаб қўйиб бўлмайди, бунинг имкони ҳам йўқ. Фақат фарзандингиз қандай ўйин ўйнаётгани, албатта, ота-она назорати остида бўлиши керак. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ёш болалар ва ўсмирларнинг компьютер таъсирига тушиб қолишига айнан ўйинлар сабаб бўлади. Болаларни миллий қадриятларимизни улуғлаш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбияловчи, уларга она Ватанимиз тарихини ўргатувчи ўйинларни наҳотки дастурчиларимиз яратишга қодир бўлмаса? Зеро, бугунги кунда жаҳонда ёшлар онгини эгаллаш учун кураш борар экан, аввало, рақобат бозорига сифатли, ёшларга ижобий таъсир кўрсатадиган ўйинларни чиқаришимиз зарур. Балки Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Камолот» ЁИҲ каби ташкилотлар ҳамкорликда дастурчилар ўртасида энг яхши миллий интернет ўйинлари танловини ўтказиши керакдир.

Бундан ташқари, интернет макони жуда ҳам катта ахборот манбаи бўлгани боис, ундан зарур, керакли маълумотларнигина олишлари учун ёшларда виртуал ахлоқни шакллантиришимиз зарур. Бу ҳар бир оилада турли усуллар воситасида: ота-онанинг фарзанди билан дилдан



суҳбати, намунали хатти-ҳаракати, муомаласи орқали амалга оширилиши мумкин. Чунки ёш бола биринчи галда ота-онасининг муомаласи сўз оҳангини ўзида акс эттириши, такрорлаши ҳеч кимга сир эмас.

Фарзандларингиз компьютер таъсирига қай даражада тушиб қолган? Бу савол бугун кўпчилик ота-оналарни қизиқтиради. АҚШнинг Питсбург университети профессори Янг Кимберли қисқача тест ишлаб чиққан эди. Ундан фойдаланиб, интернет таъсирига қай даражада тушиб қолганингизни осонгина аниқлаш мумкин. Қуйида ана шу тестни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**1. Интернет тармоғига тезроқ киришни ўйлайсизми?**

**2. Интернетда "ўтирганингизда" бунга янада кўпроқ вақт ажратилишини истайсизми?**

**3. Интернетдан чалғиш мақсадида эътиборингизни бошқа машғулотларга қаратишга уриниб кўрганмисиз?**

**4. Интернетдан фойдаланаётганингизда сизга ажратилган вақт тугаса ёки бошқа сабабларга кўра тармоқда узилиш пайдо бўлса, жаҳлингиз чиқадими?**

**5. Виртуал маконда режалаштирган вақтингиздан кўпроқ бўласизми?**

**6. Кўпроқ вақтингизни интернетга ажратганингиз учун оилангизда, ўқишда, ишда муаммолар юзага келганми?**

**7. Интернет тармоғида узоқ вақт қолиб кетганингизни яшириш учун оила аъзоларингизга, ҳамкасбларингизга, шифокорга ёлғон гапирганмисиз?**

**8. Интернетдан кайфиятингизни кўтариш, муаммоларингизни унутиш учун фойдаланасизми?**

Агарда бешта саволга "ҳа" жавобини берсангиз, демак, сиз аллақачон интернет таъсирига тушиб улгургансиз ва сизни ипсиз ушлаб турган тўрдан тезроқ қутулишингиз зарур, чунки бу келажакда ҳаётингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Шаҳодат Холиқова, психология фанлари номзоди:**

— Афсуски, сўнгги йилларда, айниқса, ўқувчи-ёшлар орасида интернет, турли хил компьютер ўйинларининг таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу, аввало, уларнинг хатти-ҳаракати ўзгаришида — турли баҳоналар билан дарсларни қолдириб, интернет-кафеларда уззукун ўтириши, бутунлай компьютер ўйинлари қаҳрамонларининг ҳаёти билан яшаши, уларга тақлид қилиши, асабий бўлиб қолиши, бирор бир машғулотга фикрини жамлай олмаслигида кўринади. Энг ёмони, агарда ота-оналар фарзандларидаги ўзгаришни пайқаб, тезда олдини олмасалар, руҳий ва жинсий ўтиш даврида бўлган ўсмирлар ўзларини ҳеч кимга кераксиздай, уларни катталар мутлақо тушунмаётгандай сезиб, турли ножўя ишларга қўл уришлари ҳам мумкин. Зеро, улар бундай ёшда ҳар қандай ноодатий ташланган қадам ўзларини бошқаларга қаҳрамондек кўрсатади, деб ўйлайди.

Бугун бутун дунёда олимларни интернет таъсирига тушиб қолишнинг яна бир асорати — эгоцентризм ҳам ташвишга солмоқда. Эгоцентризм — инсон ўзини барча воқеаларнинг қаҳрамони сифатида ҳис қилишидир. Бола ўз ҳаётининг биринчи кунлариданоқ отаонаси эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Бунинг учун феъл-атворидан келиб чиқиб турли усуллар танлайди: қайсидир бола йиғлаб, бошқаси аразлаб, учинчиси эркаланиб ўз мақсадига эришади. У улғайган сари доимо бошқаларнинг эътибор марказида бўлишга кўпроқ интилади. Борабора, эгоцентризм ўз шахсиятининг аҳамиятини намоён қилишга айланади. Унинг орқасидан эса эгоизм, яъни ўзини ўта севиш, бошқалар билан ҳисоблашмаслик келиб чиқади. Эгоист одам эса бировга ҳамдардлик билдирмайди. Ўзганинг дардини ҳис этмайди. Ўзидан бошқа ҳеч кимни яхши кўрмайди. Ҳаттоки фарзандларини ҳам. Ўсмирларда компьютер ўйинлари, интернет айнан эгоцентризмнинг ёрқин намоён бўлишига сабаб бўлади. Бола яқинлари билан эмас, балки умрида бирор маротаба ҳам кўрмаган виртуал танишлари билан суҳбатлашишни афзал билади. Қолаверса, виртуал суҳбатлар бошқаларни алдашнинг қулай воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан, чатларда 12 яшар қизалоқ ўзини 18 ёшли қиз сифатида таништиради ёки аксинча. Муаммо ечимининг ягона йўли — отаоналар фарзандлари устидан назоратни кучайтириши, уларга "дўст" бўлиб, ўтиш давридаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришидир.

**Наргис ҚОСИМОВА,**
**журналист.**

ИФТИХОР

## ИСТИҚЛОЛИМ — ИҚБОЛИМ

*(тўртликлар)*

**Сен бугун ёш чинорсан,**
**неварам ёшиндадур,**
**Ўн тўққиз олам ошиб,**
**довруғинг бошингдадур,**
**Муҳаббат битта бўлса,**
**у ҳам сенсан Ватаним,**
**Ўнгимда ҳам тушимда**
**фақат сенсан айтганим.**

* * *

**Айёмлар кўп, ичинда**
**йўқ унга монанд,**
**Истиқлолнинг неъмати**
**ҳар уйда ҳамдам,**
**Кута-кута ўтганлар орзулар билан**
**Отам-онам кўрмаган**
**армонли байрам!..**

* * *

**Истиқлолда туғилган**
**туғилди бахт устида,**
**Манглайида оппоқ нур**
**ялтираб турсин мангу!**
**Камол топиб ўсмоқда**
**мовий осмон остида,**
**Қайноқ бағрига олган**
**иссиқ Ўзбекистон бу!**

* * *

**Истиқлолнинг қадами**
**етди "Самарқанд" ора,**
**Мирзо Улуғбек руҳи**
**қўллади дониш аҳлин.**
**"Рўйи осмон сайқали"**
**бўлди янги сайёра,**
**Ифтихор юлдузини**
**арзийди тақса халқим.**

**Гулчеҳра ЖЎРАЕВА**

## СЕН МАНГУ БАҲОРСАН

**Ватан — меҳрим тушган қиёссиз**
**тупроқ,**
**Минг йиллик тарихинг**
**қароғларимда.**
**Илдизларинг маҳкам,**
**тўкилмас япроқ,**
**Сен яшил дарахтсан,**
**ардоқларимда.**

**Осмондай бағри кенг, ёлғизим Ватан,**
**Кипригинг учида ҳаловатим бор.**
**Музаффар юртларни**
**сийлагувчи шаън,**
**Ҳар бир япроғингда**
**саловатим бор.**

**Куёшга елкадош ўсасан мудом,**
**Тўрт фасл ям-яшил,**
**мангу баҳорсан.**
**Юлдузлар порлагай,**
**қуёшли осмон,**
**Кўнглимни ёритган**
**нур-ифтихорсан.**

**Сабзалар ранг олган**
**бўйи-бастингдан,**
**Мангуга дахлдор**
**чаман-бўстонсан.**
**Дунёлар ҳайратда**
**азал аслингдан**
**Сен ёруғ, ям-яшил**
**Ўзбекистонсан!**

**Майрам ШАРОПОВА**

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# ОИЛАДАН ТАШҚАРИДА БАХТ ЙЎҚ

## ёхуд қиз фарзанд тарбиясига оид кузатувлар

— Уч ой муҳлат бер, ундан ажрашаман, деб ваъда берувдинг-ку, номард! — қичқирди ёшгина «қиз» йигитга мен ва ушбу можарони ҳал қилиш учун тўпланган маҳалла фаоллари олдида.

— Ўзинг нега мени ҳомиладорман, деб алдадинг?

— Ҳей, аҳмоқ! — тобора асабийлаша бошлади у. — Ёшинг қиркда бўлса, мен эса бор-йўғи йигирма учдаман. Эсингдами, иккаламиз дўконга кирганимизда сотувчи нима девди? «Дадангизга ҳам маъқул келди-ку, олаверинг», деганди. Ҳозир сендан бола туғсам, у йигирмага киргунча, ўзинг олтмишга кирасан. Отам тенги чол бўласан-ку! Бошимга урамanmi, сен дардисарни!

Ана, муддао! Жаҳл устида айтилса ҳам, ёш жувоннинг кўнглидаги ҳақиқий ният юзага чиқди. Йигитнинг тоза умидлар асосига қурилган оиласини бузиб, хотини билан ажраштиришни истабди-ю, фарзанд ва ўзаро меҳр-оқибат асосида ана шундай оила бино этишни истамабди-да!

— Ҳомиладорман деб алдаш нима учун керак эди? — сўрадим мен.

— Ўн беш йилдан ошди турмуш қурганимизга, — аниқлик киритди йигитнинг бурчакда пиқиллаб йиғлаб ўтирган хотини. — Ҳалигача фарзандимиз йўқ. Бир марта бўйимда бўлиб тушиб қолди-ю, шу билан фарзанд бўлмаяпти. Эрим ўзини синаб кўрмоқчи бўлган. Тўғриси, мен аҳмоқ, ўзим шундай маслаҳат берувдим унга. Агар бу аёл туғиб берса, боласини бошга кўйиб ардоқлашга ҳам, кундош тутиб яшашга ҳам рози эдим. Бу эса эримнинг бола учун ўзига бораётганини билган. «Ҳомиладорман», деб алдаб, мендан эримни бутунлай ажратиб олмоқчи бўлган.

— Эрингни мен чақириб олганим йўқ! — яна сапчиди ҳалиги хотин. — Ўзи мени ҳоли-жонимга қўймайди. Неча марта жавобини бердим. Барибир кетмади. Биласизми, опа! — дея у энди менга юзланди. — Бундан қочиб ҳам қутулолмасдим. Бир куни дугонамникига қочиб, яшириниб ўтирдим. Ўша ердан ҳам топволиб, мени уриб қайтариб олиб келди.

— Дугонаси ахлоқсиз, бу эса унга қўшилиб ичарди. Мен уни ичкиликдан, ёмон йўллардан қайтармоқчи эдим…



Бундай можароларда, одатда ҳамма ўзини оқлайди. Ҳар бир гапирадиган одамнинг сўзларига аҳамият берсангиз, гўёки ўзининг ҳеч бир айби ҳам, гуноҳи ҳам йўқ. Ҳамма қилган ишлари тўғри. Фақат бошқалар айбдор. Худди ана шундай, бошқаларни айбдор ҳисоблайдиган бир аёлнинг гапи, айниқса, эътиборимни тортди:

— Нима, сенингча, менинг қизим ёмон йўлда-ю, сенлар тўғри йўлдамисанлар? Ўша дугонасини биров билан ушлаб олувдингми? — Ҳе, ўша… — аёл шундай ахлоқсиз сўзлар айтдики, участка нозири ҳам чидолмай, уни тартибга чақиришга мажбур бўлди.

Эътибор қилаётган бўлсангиз, можаронинг асл илдизига энди яқинлашаяпмиз.

Албатта, ҳаётингиз давомида шунга ўхшаш воқеаларни кўргансиз ёки эшитгансиз. Минг афсуски, айрим жойларда, айниқса, шаҳарнинг кўп қаватли уйлар жойлашган мавзеларида бундай ҳоллар тез-тез учраб туради.

Ҳамма билан тенгма-тенг тортишаётган жувонни кўрсангиз, ёшгина қизга ўхшайди: келишган, шаддод феъли ўзига ярашган, бичими ҳам кичиккина, ҳеч бўёқсиз, табиий гўзаллиги бор. Аммо ўзининг айтишича, бир фарзанд билан аллақачон «ичадиган, урадиган» эридан ажрашишга ҳам улгурган. Яна шуни эътироф этиш керакки, ҳали ҳеч ким турмушидан ажралаётганида, менинг ўзим ёмон эдим, демаган.

— Хўп, майли, — дедим мен. — Аммо эрдан чиққач, одатда аёллар ота-онасиникига қайтиб боради. Сиз эса нега бир ўзингиз алоҳида уйни ижарага олиб яшаяпсиз?

— …

Ҳурматли ўқувчи, асли бу саволни боядан буён зўр бериб қизини ҳимоя қилаётган, унинг қилмишидан уялиш у ёқда турсин, ҳатто уни қўллаётган онасига беришим керак эди-я?

— Нега ёш ва чиройли, ҳеч қаерда ишламайдиган қизингизни, қўлида боласи билан ижарага чиқардингиз? У ўзини, боласини боқишга, ижарага тўлашга пулни қаердан олиши мумкин? Бегона эркаклар кўз олайтиради, деб ўйламадингизми? — деб онадан сўрасак тўғрироқ бўларди.

Бу дунёда ҳар кимнинг ҳам тенги, жуфти бор. Қизини ўрабчирмаб ўтириб, бирор ўз тенгига ҳалолгина қилиб узатса бўлмасмиди?

Суриштириб кўрсам, онанинг ҳам оиласи қизиникидан қолишмас экан. У қизидан сал нарида, кўп қаватли уйда яшар, биров билан уришиб-тортишишда унга тенг келиш қийин экан. Шунақа таърифлашди уни маҳалладагилар.

Шундай онанинг қизи ким бўлиши мумкин? Бу жувоннинг тарбиялаётган фарзанди-чи, эртага у ким бўлади? У ҳам бировнинг оиласини ҳеч бир виждон қийноғисиз бузадиган, бу одатий турмуш тарзи деб ҳисоблайдиган одам бўлмайди, деб ким кафолат беради?

Қайсики қиз ноғок ёки хато йўлга кирдими, демак, унинг иллатини оиладан, тарбиядан излаш керак.

Эътибор қилганмисиз, агар эркак киши ҳаётда хато қилса, йўлдан адашса, фарзандлари қобил бўлиши мумкин, аммо она издан чиқса, у тарбия қилган болалар келажагидан умид йўқ. Чунки аёл — оилада асосий тарбиячи. У — илдиз! У чириса, новдалар ҳам чирийди, у бузилса, новдалар ҳам бузилади, у қийшайса, новдалар ҳам қийшаяди.

Энди юқоридаги можарога қайтадиган бўлсак, хайриятки, маҳалла-кўй, жамоатчилик аралашгач, ижобий ҳал бўлди. Йигит ўз оиласига қайтди.

Аммо ҳалиги жувон-чи? Унинг келгуси тақдири нима бўлади? Онаси уни ўраб-чирмаб, тартибга чақириш ўрнига ўзи қўллаб-қувватлаб тургандан сўнг қизи яна бошқа бировнинг оиласини бузмаслигига ёки пул туфайли дуч келган эркакка илашиб кетавермаслигига ишониб бўладими?

Муборак Ҳадиси шарифларда келтирилганидек, учта қизни (ҳатто бир қизни ҳам) вояга етказган ота-онанинг хизмати жаннатга дохил бўлар экан. Улуғ ҳикмат замиридаги ҳақиқат шуки, қиз боланинг тарбияси жудаям нозик ва ор-номуси муқаддаслиги боис, унинг шаънини асрай билган ва яхши тарбия берган ота-она ана шундай шарафли мукофотга лойиқ кўрилажак.

Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, уч (битта бўлса ҳам) қиз тарбияси бу — миллатнинг эртанги куни учун замин ҳозирлашга жавобгарликдир. Бу эса ҳар биримизга жуда катта масъулият юклайди.

**Шаҳло АҲРОРОВА,**
**Жиззах вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

БИРНИ КЎРИБ, ФИКР ҚИЛ

# ЧИРОҚ ПУЛИ

**Кўпдан бери кўришолмай юрган дугонамни соғиниб йўлга тушдим. Узоқ сафарни ширин суҳбат қисқартиради, деганлари рост экан. Икки нуроний отахонга ҳамроҳ бўлиб қолдим. Кўпни кўрган бу икки оқсоқолнинг ибратомуз ҳикояларини мириқиб эшитиб кетдим. Улар бировнинг кўпнинг ва етимнинг ҳаққи, давлатнинг мулкига кўз тикканлар охир оқибат бирон фалокатга дучор бўлишига ҳаётий мисолларни айтиб боришарди. Улардан бирига кулоқ тутинг-а:**

Бир замонлар машҳур зотлардан бирининг ҳузурига яқин ошнаси зиёратга келади. Оқшом чоғи бўлса-да, давлат ишлари билан машғуллиги боис дўстига ҳурмат кўрсатиб, бироз кутиб туришини айтади ва ўз юмушини битиргандан кейин ёниб турган чироқни ўчириб, бошқа бир чироқни ёқади. Оғайниси ҳайрон бўлиб бунинг сабабини сўрайди. Шунда ул зот шундай жавоб берган эканлар: "Ўчирган чироғим ёғи хазинаники, яъни давлатникидир. У давлат ишлари билан машғуллигимда ёнса, менга ҳалол. Сен менинг ошнамсан ва суҳбатимиз ўзимизга тегишли бўлади. Шунинг учун ёғи ўз пулимга олинган иккинчи чироқни ёқиб қўйдим. Давлатнинг молини хусусий ишларга қўлланилса, ёруғлик ўрнига қоронғулик ва уят беради".

Дугонамникига яқинлашган ҳам эдимки, дарвоза очилиб унинг ўзи чиқиб қолди. Қўшнисини кузатаётган экан.

— Борингизга шукр, яхши кунларингизда қайтарай, тан-жонингиз соғ бўлсин, илойим, — қўлида бир даста пул кўтарган қўшни алқашдан тинмасди.

— Борини бердим, қўшни шунақа пайти керак-да. Бизнинг ҳам коримизга сизлар ярайсизлар-ку, ахир!

Дугонам бирдан мени кўриб қолиб қучоқ очиб пешвоз чиқди:

— Кўзларимга ишонмайман, ўзларими, қандай шамол учирди?

— Топа оламанми, йўқми, деб иккиланиб келаётгандим, яхшиям ўзинг чиқиб қолдинг.

Ичкарига кирдик. Уйда ёлғиз ўзи экан. Эри иш билан кетган, болалари ҳам ёзги таътил бўлгани учун амма, холаларникида экан. У сўрига жой қилди. Бу орада ҳалиги қўшнисининг эри касалхонада эканлигини, дори-дармонга пул етказа олмай бир неча қўшнидан қарз сўраганлигини айтиб берди. Гап орасида томорқаси бошидаги ҳашаматли уйга ишора қилди. Ўша қўшниларимиз ҳам қарз беришмабди. Пуллари йўқлигига ишонмайман. Қўша-қўша дўкону, ошхоналари бор…

— Қўявер шуларни, ўзингдан гапир, — мавзуни бошқа ёққа бураман…

Ким нима деса десину, барибир қишлоқ ҳавоси яхши-да. Ҳур-ҳур эсаётган шабададан роҳатланиб, дилдош дугонам билан суҳбатлашдик. Тўлин ой чиқиб тепамизга келди. Бу пайти дугонам бир текис нафас олиб ширин уйқуга чўмган эди. Мени ҳам уйқу элтибди. Бир пайт қарсиллаган овоздан чўчиб уйғониб кетдим. Уйқу аралаш нима бўлаётганини аввал англаб етолмадим. Дугонамни шошиб уйғотдим. Осмону фалакка қип-қизил нарсалар қарсиллаб учар, томорқанинг юқори қисмида аланга кўкка ўрларди.

— Вой, қаранг, қўшнимизнинг уйи ёнаяпти-ку, — дугонам сўридан сакраб тушиб оёқяланг ҳолда чопиб кетди. Ортидан мен ҳам эргашдим. Борсак.. Ўт балосидан асрасин, илоҳим. Кўпчилик кўл экан. Ўт ўчирувчилар келгунича маҳалла-кўй оёққа тургани учун ўт бирпасда ўчирилди. Бироқ, офат офат-да. Уй-рўзғор буюмларининг ҳаммасига ҳам олов тегиб ўтибди. Ҳовлининг бир четида кўрпа-тўшак уюлиб ётар, унинг орасида... даста-даста пуллар ерга сочилиб кетганди. Ҳаммаси ярмидан куйган.

Уй эгаларининг жони омон қолганига шукрона келтириб ортимизга қайтдик.

Олов нимадан чиққанини эрталаб эшитдик. Ўт ўчирувчилар аниқлашибди. Маълум бўлишича, катта хонадоннинг фақат бир томонига ўтказилган электр тармоғи ҳисоблагичга уланган экан. Ярмидаги тармоқ яширинча ўтказилган бўлиб унда на ҳисоблагич, на катта кучланишга қарши ҳимоя воситаси бўлган. Оқибатида совутгич қизиб кетиб, ўт чиқибди. Ёнғиндан келган зарарни ҳисоблашган экан… "Мен қиламан ўттиз, худойим қилади тўққиз" дегани шу бўлса керак-да. Хонадон эгалари чироқ пулидан чегираман деб, ўз ҳаётларини хавф остига қўйишибди. Баднафслик, хасислик ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигига яна бир мисол эмасми, бу?

**Баҳор ХОЛБЕКОВА.**

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...

*Биз газетамизнинг ўтган сонларида пойтахтимизда бир неча йиллардан бери фаолият олиб бораётган табиб Қаххоржон Аминов ҳақида туркум мақолалар чоп этдик. Унинг табиий гиёҳлар асосида тайёрлаган дармондорилари хамюртларимиз дардига шифо бўлаётгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Қолаверса, табиб муолажаларидан даво топган айрим мухлисларимиз таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, Қаххоржон Аминовга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилишмоқда.*

* * *

«Ўғлим Зоҳиджон уч ёшда. Баҳор фаслида юзига оқ доғлар туша бошлади. Витаминларга бой овқатлар беришимга қарамай ҳеч семирмай, кундан-кунга нимжонлашиб борарди. Тунлари бир неча марта уйғониб, безовта бўларди. Бармоқларининг учларида қандайдир майда тошмалар ҳам пайдо бўла бошлади. Бундан биз хавотирга тушиб қолдик. Бир куни газетада табиб Қаххоржон Аминов ҳақида ўқиб, ўғлимизни табиий гиёҳлар орқали даволашга аҳд қилдик ва унинг ҳузурига йўл олдик. Қаххоржон фарзандимизга обдон ташхис қўйиб, унда гижжа борлигини айтди, сўнг ўзи тайёрлаган махсус дармондорилардан ичишни буюрди. Мен тайинланган малҳамларни ўз вақтида ичириб бордим. 12 кун табибнинг назоратида бўлдик, кун сайин боламнинг соғлиғида ижобий ўзгаришлар сезила бошлади. Иштаҳаси ҳам яхшиланди. Муолажанинг сўнгги кунларида боламнинг ахлати орқали майда гижжалар тушганига гувоҳ бўлдик».

**Салима КАРИМОВА, Тошкент шаҳри».**

* * *

«Бир неча йилдан бери ўнг биқиним остида сим-сим оғриқ сезиларди. Бироқ вақт ўтгани сари эътиборсизлигим туфайли оғриқ кучая бошлади. Натижада, баъзан кўнглим айниб, тана ҳароратим кўтариларди. Шундан сўнг Қаххоржон Аминов тўғрисида эшитиб, излаб бордим. У киши менга ташхис қўйиб, ўт қопимда тош борлигини айтди ва дармондорисидан ичишимни маслаҳат берди. Етти кун деганда оғриқларим камайиб, аҳволим анча яхшиланди. Кеча сийдик йўлим орқали майда қум-тошлар тушганига ўзим гувоҳ бўлдим. У кишига ташаккурлар айтаман.

**Толибжон УМИРОВ, Самарқанд вилояти».**

* * *

«Иссиқ жоннинг иситмаси бор, дейдилар. Ҳаётда кўраверар экансиз. Баъзан юрагингиз санчса, баъзан буйрагингиз безовта қилади, гоҳо эса оддий шамоллаш асоратидан қутулолмай азоб чекиб юрамиз. Гоҳида арзимагандек туюладиган яра-чақалардан таъбимиз хира бўлади. Лекин кўпчилигимизда мавжуд бўлган бу ёмон одат — ўз саломатлигимизга бепарволикдир. Мен ҳам яқинда шундай лоқайдлигим туфайли азият чекдим. Аҳён-аҳёнда ошқозоним безовта қиларди. Ўзим билиб-билмай, ҳар хил дори-дармонлар ичиб юравердим. Охири оғриқ мени шунақа букчайтириб қўйдики, дунё кўзимга тор бўлиб қолди. Бир куни синглим: «Қаххор Аминов деган табиб бор экан, у кўп касалликларни табиий гиёҳлардан тайёрланган дорилар ёрдамида даволаяпти», деб қолди. Хуллас, қабулига бордик. 12 кун қатнаб, даволандим. Яна, у киши менга уйда нахорда олма еб, кечқурун ётиш олдидан эса бир қошиқ асал ейишимни ҳамда вақтинча ёғли, қовурилган овқатлардан, қази, кабоб ва сут ичишдан тийилишим лозимлигини айтди. Муолажанинг сўнгги кунида мен ўзимни мутлақо бошқа одамдек ҳис қилардим. У кишининг қўли жуда енгил экан.

**РАЪНО, Тошкент шаҳри».**

**«Оила ва жамият» мухбири Барно МИРЗААҲМЕДОВА тайёрлади. (t)**

**Қаххоржон Аминов амалдаги қонунчилик асосида мамлакат микёсида фаолият кўрсатаётган табиблар реестрида 2124-рақам билан қайд қалинган. Мурожаат учун телефон: (+99897) 424-82-01**

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

# МАХСУС МАШҚЛАР ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

*(Давоми. Боши ўтган сонда.)*

**2-машқ. Қўл ва оёқларда иссиқлик сезгисини пайдо қилиш.** Аввало, қўл ва оёқларда оғирлик сезгиси пайдо қилинади (тегишли машқдан сўнг бунга жуда тез, 2-3 жумлани такрорлаш орқали эришилади). Кейин эса ушбу машққа тегишли қуйидаги жумлалар такрорланади: "Ўнг қўлим исиб бормоқда». Бу 6-8 марта кетма-кет такрорланади ва ҳар сафар қўлга «иссиқлик» тарқалиб бораяпти, деб хаёл қилинади. Бир неча кундан кейин иккинчи қўлда, сўнгра эса оёқларда машқ қилишга ўтилади. Мана шу машқларнинг иккаласи ўзлаштириб олингандан кейин (бунинг учун эса бир ойча вақт кетади) шундай сўзлар уч мартадан айтилади: «Чап ва ўнг қўлим жуда оғир, чап ва ўнг оёғим ҳам жуда оғир, чап ва ўнг қўлим иссиқ...»

**3-машқ. Юрак қисқаришлари маромига таъсир кўрсатиш, юрак зарбларини гўё «кучайтириш».** Бу жуда муҳим машқ бўлиб, ҳаммада ҳам бирданига юришиб кетавермайди, уни ўзлаштириш жараёнида битта машққа баъзан 10 дақиқача вақт сарфлашга тўғри келади. Юқоридаги дастлабки иккита формула — «қўл ва оёқларим иссиқ» жумлалари бирлаштирилгандан кейин «юрагим кучли ва бир текис уриб турибди» деган формулага киришилади. Кўкрак қафасининг чап ярмига қўлни қўйиб, юрак соҳасида иссиқлик сезиш ҳиссини пайдо қилишга уриниб кўриш мумкин; юрак зарбларини қўл кафтлари билан назорат қилишга уриниб кўрса ҳам бўлади. Юрак қисқаришлари маромини лоақал қисман тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин. Борди-ю, икки ҳафта давомида бунга эришиб бўлмаса, навбатдаги машққа ўтавериш мумкин. Учинчи машқ кейинчалик шак-шубҳасиз ўзлаштириб олинади.



**DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ЭРГАШЕВ**

**4-машқ. Нафасни тўғри бошқариб боришни таъминлаш.** Дастлабки 3 та машқнинг формулалари такрорлангандан кейин нафасга тааллуқли жумла қўшилади, бутун машқнинг кўриниши мана бундай бўлади: «Қўл ва оёқларим жуда оғир. Юрагим бемалол ва бир текис уриб турибди, мен жуда бемалол нафас олмоқдаман» сўзлари устма-уст 6 марта такрорланади.

**Бу борада бизнинг "DOCTOR-D" ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел:+99871-113-00-57).**
**E-mail: hospital@doctord.uz.**
**URL: http://www.doctord.uz** (t)

# БУЛДУРҒУННИНГ СИРИ

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

«Малина» деган ном билан маълуму машҳур ўсимлик меваси пишганда эски пояси қуриб қолади. Гуллари кўримсиз, яшил-оқ рангли бўлади. Июндан то кузгача ҳосил беради. Унинг 700 тури бор: меваси сариқ, қизил, қора-тўқ қизил бўлади. Таркибига қандлар — глюкоза, фруктоза, сахароза, пектин моддалари, органик кислоталар, дармондорилар: аскорбин кислота — С, А (провитамин), Е, ВС, В1, В6, В2, В15, макро ва микро маъданлардан: калий, кальций, магний, натрий, олтингугурт, фосфор, алюмин, темир, кобальт, никел, рух кабилар жо бўлган.

Малина тиббиётда узоқ вақтлардан буён ишлатиб келинади. Халқ табобатида қуритилмаган ва қуритилган мева дамламаси қўлланилади. У иштаҳа очувчи, таом ҳазм қилишни яхшиловчи, терлатувчи, қон тўхтатувчи (меъда-ичакдан), ўпка шамоллаганида балғам кўчирувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи омил сифатида яхши наф келтиради. Янги меваси чанқовни босади, ошқозон (меъда) оғриғида фойда қилади. Малина, айниқса, болаларга фойдали. Юқумли касалликка чалинган беморлар шифо топади. Аъзои танадан касаллик келтириб чиқарувчи микроблар, заҳарли токсинларни тезда ҳайдайди.



Шуни ёдда тутиш керакки, малина билан шакар аралашмаси узоқ сақланганда шифобахш хусусиятлари йўқолади. Шу боис қишга малина шарбатини шакар қўшмасдан ғамлаш керак. Малинанинг барглари, гуллари ҳам шифобахшдир. Баргларининг дамламаси тери йиринглашида, нафас йўллари шамоллаганида, ларингитда наф келтиради.

Малина меваси, барги, гули қуйидаги хасталикларга эм бўлади:

**Стенокардия**да 200 грамм малина мевалари 1 литр қайноқ сувга солиб, 8 дақиқа мобайнида қайнатилади. Сўнгра бунга уч ош қошиқ асал қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳамдан ҳар куни 3 маҳал 100 граммдан истеъмол қилинади.

**Холецистит**да тенг миқдорда бўйимодарон, бўзноч гуллари, ялпиз олиниб, устига ярим литр қайноқ сув қуйиб, буғда 15 дақиқа мобайнида қайнатилади. Бунинг учун доривор ўтлар солинган идиш, қайнаб турган сувли идиш ичига 15 дақиқа қўйиб қуйилади. Совигач, дока билан сузилади. Қайнатманинг 200 граммига 2 ош қошиқ асал, 6 қошиқ малина меваси солиб обдон аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳам ҳар куни таомдан олдин 100 мл.дан ичилади.

**Қабзият**да малина мевалари бир пиёладан тановвул қилинади. Сўнгра дамламадан кунига 30 мл.дан 3 маҳал таомдан олдин ичилади.

**Камқонлик**да эрталаб ва тушлик пайтида 30 грамм малина янги қаймоқ билан қўшиб истеъмол қилинади.

**Қон кетганда, ич сурилганда** 4 чой қошиқ обдон майдаланган қуруқ барглари ва меваларига 400 мл. қайноқ сув қуйилади. Икки соат мобайнида дамланади. Ҳар куни 4 маҳал ярим пиёладан ичилади.

**Шамоллаш, грипп**да 4 ош қошиқ янги малина мевалари ёки 2 ош қошиқ қуритилганига 250 мл. қайноқ сув қуйилиб, термосда дамланади. 20 дақиқадан сўнг илиқ ҳолида ҳар тўрт соатда ичилади.

**Тери хасталикларида, панкреатит**да 5 ош қошиқ майдаланган қуруқ малина барглари 200 мл. қайноқ сувда дамланади. Сўнгра илиқ ҳолида томоқ ва оғиз бўшлиғини чайиш тавсия этилади.

**Хуснбузар**да суртма малҳам қўлланилади. Бунинг учун 1 қисм малина баргининг янги шираси олинади. 4 қисм вазелин ёки сариёғ обдон аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳам озорланган жойга суртилади.

Шуни унутмангки, неврит, подагра хасталигига чалинган беморларга малина мевасини тановвул қилиш тавсия этилмайди. Чунки, унда пурин моддаси бор. Шу билан бирга, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор кишилар ҳам малина мевасини истеъмол қилишдан тийилишлари керак.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**

ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИДА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 2-сонли республика клиник шифохонаси Тошкентдаги Улуғбек шаҳарчаси ҳудудида жойлашган. Ушбу баҳаво ва хушманзара маскан йилнинг тўрт фаслида ҳам ўз сиҳат-саломатлигини қадрлайдиган юртдошларимиз билан гавжум бўлади.



— Шифохонамиз дастлаб мамлакатимиз илмий даргоҳлари хизматчиларига, Улуғбек шаҳарчаси аҳлига, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишловчиларга тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган эди,— деди **2-сонли клиник шифохона бош шифокори ўринбосари Насиба Юлдошева.** — Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасига жиддий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани боис даргоҳимизда ҳам кейинги йилларда катта ўзгаришлар рўй берди. Тиббиёт ҳар доим тараққиёт ва янгиликлар билан ҳамоҳанглиги боис бу маскан ҳам замонавий ускуналар билан жиҳозланди, малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.



Шифохонанинг ички касалликлар бўлими мудири Холида Аҳмедова ўз соҳасини чуқур эгаллаганлиги ва хушмуомалалиги туфайли ҳар бир бемор билан тез тил топиша олади.

— Агар бу ерга умид билан келган инсоннинг кўнглини кўтариб, дардини англай олсангиз, у сиздан бир умр миннатдор бўлиб юради, — дейди Холидахон самимий оҳангда.

**Лола МУСЛИМОВА**




QO'NG'IROQCHA



## TO'QUVCHI QIZNING ORZULARI

**Tengdoshingiz Nilufar To'xtamurodova 14 yoshda, poytaxtimizdagi 320-maktabning 8-sinfida o'qiydi. U darslardan bo'sh vaqtlarini Shayxantohur tumanidagi o'quvchilar texnik ijodiyoti markazining to'quvchilik to'garagida o'tkazar ekan. Nilufar tahririyatimizga ta'til kunlari yasagan o'yinchoqlari, to'qigan kiyim-kechaklari bilan kelganini ko'rib, ochig'i, mamnun bo'ldik.**



**— Voy-bo', bularning hammasini o'zing to'qidingmi? — so'radim, bir-biridan chiroyli, bejirim paypoqcha, jemper va ro'mollarni, oyinchog'-u qo'g'irchoqlarni ko'rib.**

— Markazimiz eshiklari tengdoshlarimiz uchun hamisha ochiq. Hozir ta'til payti bo'lishiga qaramay, u yer o'quvchilar bilan juda gavjum. Har kuni qo'shni qizlar bilan markazga boramiz. Rahbarimiz Ozoda opa Sharipova bizga to'qish sirlarini o'rgatadi. Ba'zida o'tirish uchun xonamizda joy ham yetmay qoladi.

**— Sen qatori qizlarning ko'pchiligi pishiriq pishirish, hamshiralik, chevarlik kasblarini o'rganishga qiziqadi. Nega sen aynan shu yo'nalishni tanlading?**

— Kichkinaligimdan daftar varaqlariga har xil ko'rinishdagi zanjirlar, bir-biriga turli shaklda bog'langan iplar rasmini chizib yurardim. Bu yerga kelganimdan so'ng shaxmat chok, bug'doy chok, sakkiz chok, lola chok, suv choklarni to'qishni o'rgandim. Ilk bora mustaqil ravishda uch yoshli singlim Shahnozaga paypoqcha to'qib berdim. Bu ish menga juda yoqadi. To'qiyotganimda juda xotirjamlikni his qilaman. Choklarni sanab borish orqali matematik bilimim ortadi. Rang tanlash asnosida ularni bir-biridan yaxshi ajratishga

*IBRAT OLING!*

o'rganib boraman. Dugonalarimning tug'ilgan kunlariga sovg'a sotib olmayman, o'zim biror narsa to'qib qo'ya qolaman. Eng foydali tomoni, narsalarimni sotib, puliga kitob-daftar olaman.

**— Ishlaring orasida menga ko'proq Oppog'oy va Masxaraboz qo'g'irchog'lari yoqdi. Ularni yaratish g"oyasi o'zingdan chiqdimi? Yoki...**

— Markazimiz rahbari Yelena opa Katisheva internetdan turli ko'rinishdagi liboslar, o'yinchoqlar eskizini olib beradi. Yana, o'zimiz jurnal, kitoblardan qarab ham to'qiymiz. Ustozimiz barcha ishlarimizda milliylik, o'zbek qizlariga xos odob-axloq, ibo-hayo aks etib turishini uqtiradi.

**— Tengdosh dugonalaringga tilaklaring...**

— Ba'zi qizlar bir-ikki oy to'quvchilik bo'limiga kelishadi-da, keyin ularning boshqa to'garaklarga qatnayotganini eshitib qolaman. Avval bir ishni puxta o'rganmay turib, ikkinchisini egallab bo'lmaydi. Shu bois ularga sabr-bardoshli, qanoatli bo'lishni tilayman. Shu hunarni egallashim uchun ikki yil vaqt ketdi, ammo hali o'rganadigan narsalarim ko'p...

**— Orzularing haqida ham gapirib ber.**

— Orzum — shifokor bo'lish, bemorlarni shirin so'z bilan davolash, va albatta, jahon bozorida raqobatbardosh liboslar yaratish...

## DILGA MALHAM

***Muallimam Mastura Oxunovaga***

*Bosgan izlaridan gullar ochilgan,*
*Go'zal chehrasidan nurlar sochilgan.*
*So'zlaganda tillaridan bol tomgan,*
*Shirmon yuzli, shirin suxan ustozim!*

*Men siz uchun chaman-chaman*
*gullar ekay,*
*Ruhingizni shod qilguvchi she'rlar bitay.*
*Mening aziz va mo'tabar xush zabonim,*
*Ham ustozim, ham onamsiz, mehribonim.*

**Malikabonu TALLIBOYEVA,**
**Samarqand viloyati**
**Oqdaryo tumanidagi**
**18-maktab o'quvchisi.**

## TEZ AYTISHLAR

- Soqi quritgan qoqi qoq quruq qoqi.
- Tojining tojdor xo'rozi gultojixo'roz tagida.
- Niyoz piyoz archdi, Fayoz piyoz artdi. Piyozdan Niyozning ko'zi achidimi, Fayozning-mi?
- Jajji jiblajibon jajji jo'ja bilan jo'ra, Jajji jo'ja jiblajibon bilan jo'ra.

**Qudrat HIKMAT,**
**bolalar shoiri**

## ERKATOYIM HALI YOSH

Asqar hadeb tirjayib,
Nega tomma-tom oshar?
Uydagilar beparvo
Qilar uni tomosha.

Koptok bo'lsa tepkilab,
Boshqalarga bermas gal.
O'dag'aylar bekorga,
Bilmay tegib ketsang sal.

— Tokay Asqar taltayib,
Tartib buzar ustma-ust.
Ta'lim bering, xolajon,
Undan bezor barcha do'st.

— Oshiqasiz namuncha?
Erkatoyim hali yosh,
Aqli kirib quyular,
Bo'lar esli ham yuvvosh.

Shu taxlitda ish tutsa,
Ba'zi ona, xolalar,
Qandoq bo'lib o'sarkin
Asqar kabi bolalar?!

*SABOQ*

## QAT'IYAT

Bobom o'z boshidan o'tkazgan bu voqeani menga saboq chiqarishim uchun aytib bergan. U kishi harbiy xizmat davrida tamaki cheka boshlagan ekan. Uyga qaytganlaridan keyin yoshi ulug' qarindoshimizni ko'rgani boribdi. Suhbatlashib o'tirishganda u kishi so'rab qolibdi:

— Sigareting bormi, bolam?

Bobom cho'ntagida sigaret bo'lsa-da, yoshi katta odamga qanday qilib uzataman degan istihola bilan:

— Yo'q, men chekmayman, — deb javob beribdi.

Ammo to uyga yetib kelguncha, xayolini turli o'ylar qamrab olib, tinchlik bermabdi. Bobom yolg'on gapirishga majbur bo'lganidan uyalib: «Ha, odamning yomon odati bittagina bo'lsa ham, bir kuni uni uyatga qo'yishi mumkin ekan. To'g'ri, qarindoshimiz yolg'on gapirganimni bilmaydi. Lekin o'zimni o'zim aldadim», deya afsuslanib, sigaret qutisini uloqtirib yuboribdi. «Bas, endi umuman chekmayman», deya o'z-o'ziga qat'iyat bilan va'da beribdi.

Bobom hozir o'nlab nevaralari qurshovida pir-u badavlat bo'lib yuribdi. U kishidan hammamiz o'rnak olsak arziydi. Tengdoshlarimni ham qat'iyatli bo'lishga, aytgan so'zlarining ustidan chiqishga odatlanishga undayman.

**Kamola BAHRIDDINOVA,**
**Toshkentdagi**
**6-ixtisoslashtirilgan**
**maktabning 9«A»-sinf**
**o'quvchisi.**

*TENGDOSH MASLAHATI*

## QO'LLARINGIZ OZODA BO'LSIN



Yaqinda televizorda bolalarga zarar yetkazadigan parazitlar haqida film ko'rib qoldim. Parazitlar — boshqa organizm xisobiga oziqlanib yashovchi tekinxo'rlar(gijjalar) hisoblanadi. Ularning eng yuqumli va tez ko'payadigani ostritsalar ekan. Ostritsalar mayda va kichkina bo'lsa-da organizm uchun juda-juda zararli. Filmda ko'rsatilishicha, ularning 5, 20, hattoki 50 santimetrlilari ham bo'larkan, xuddi ilonlarga o'xshab ketarkan. Parazitlar tozalikka rioya qilmaydigan, qo'l va oyoqlarini yuvmasdan, cho'milmasdan yuradigan bolalarni juda-juda yaxshi ko'risharkan. Ularning organizmlariga joylashib olgach, kerakli vitaminlarni yeb kun ko'risharkan. Parazitlar bilan do'st tutingan bolalar tez-tez kasal bo'ladilar. Shu bois maktabdagi darslarga ham yaxshi qatnasha olmas ekan. Aziz tengdoshlarim! Siz ham shokolad va konfetlarni kamroq iste'mol qiling. Biror narsa yeyishdan oldin qo'llaringizni tozalab yuvib oling. Shunda ular siz bilan do'st bo'lisholmaydi.

**Ulug'bek HAYITMURODOV,**
**Toshkent shahri Yunusobod tumanidagi**
**1-maktabning**
**3-sinf o'quvchisi.**

YOSHLIK



BEBOSHLIK EMAS

## TOPISHMOQLAR

Tanga-tanga to'ni bor,
Mittigina ko'zi bor.
Yursa suvlar jimirlar,
Qamishlar ham qimirlar.



Mazasi qaymoq kabi,
Eriydi saryog' kabi.
Yozda rosa yegansiz,
«Oh, oh, mazza», degansiz.



Guli to'rtta yarim oy,
Boshginamdan olar joy.



O'lgudayin ayyorman,
O'rmon ichra sayyorman.
Dumim supurgisifat,
Na do'stim bor, na ulfat.
Meni qilmay ko'p kulgi,
Nomim to'g'ri ayt — ...



Bo'lar sariq yo qizil,
Yer tagida yetilar.
Tupida yakka hosil,
Sochi yashil selkillar.



**Sahifani Nigora RAHMONOVA tayyorladi.**

# СОҚОЛ ҚЎЙГАН ХОНИМ

**ЙЎҒ-Е!**

Ҳозирги кунда мода нафақат аёллар, балки эркаклар, ёшу қарининг ҳам ўзига хос қизиқишига айланган. Одамлар истаса-истамаса, барибир ўзи яшаётган замонга хос равишда кийинишга, ташқи кўриниши, соч турмагини ҳам шунга мослашга ҳаракат қилади. Гўёки мода деганлари тараққиёт меваси ҳисобланади.

Аслида эса, бир урфнинг оммалашиб, модага айланиши тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Масалан, киприкка суриладиган тушдан қадимги Мисрда нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам пардоз воситаси сифатида фойдаланишган. Қовоқларни бўяш ҳам Клеопатра давридан қолган. Ташқи кўринишига жиддий эътибор берувчи бу Миср маликаси даврида аёллар тепа қовоғини сариқ-яшил, кўз остини эса ҳаворанг бўёқ билан безаб юришган. Шунингдек, бармоқларини, тирноқларини хина билан бўяш ҳам эрамиздан олдинги замонлардан қолган ғаройиб урфлардан бири ҳисобланади. Эркаклар эса асосан баданларига сариқ ёки қизғиш бўёқ суриб юришган.



Қадимги пардоз ашёларининг ҳаммасини ҳам безиён деб бўлмайди. Масалан, қадимги Инда водийси аҳли, кейинроқ эса римликлар упа ўрнида... оддий оҳакдан фойдаланишган. Боз устига улар мурданики янглиғ оппоқ қилинган юз ва бўйинларига ҳаво ранг бўёқдан томирлар расмини ҳам чизишган, рангпар тери остидан кўриниб турган кўкиш томирлар асл гўзаллик ҳисобланган-да!

Лаб бўёғи ҳам аёллар пардоз воситаси эмас. Қадимги Римнинг машҳур императорларидан бири Гемюгабал нафақат юзи, кўзу қошини бўяб, лабларига ҳам кўм-кўк лаб бўёғи суриб юрган.

Аммо барибир одамзотнинг модага бўлган илк интилиши баданидаги ортиқча туклардан халос бўлишидан бошланган десак, хато бўлмайди. Қадимдан аёллар юзларидаги ортиқча тукни ҳозирги кундаги каби оддий пинсет билан тозалашган. Александр Македонский давридан бошлаб эса эркакларнинг соқол олиб юриши қатъий қоидага айлантирилган. Шу тариқа римлик эркаклар 21 йил давомида арчилган тухумдек бўлиб юришган. Фақат аскарлар ва файласуфларгина соқол қўйиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аммо вақт ўтиши билан, аксинча, аскарларнинг нафақат соқол-мўйлаби, балки сочлари ҳам қиртишлаб ташланиши қоида тусини олган.

Соқолсиз бўлиш «парик»нинг урфга киришига халақит бермади. Қадимги Мисрда эркаклар париги аёлларникига нисбатан чиройли ва узунроқ бўлиши мода ҳисобланган. Улар фақат аслзодалар безаги бўлган, кейинчалик оддий фуқаролар ҳам ясамаюлама соч кийиб юришга одатлана борганлар.

Дарвоқе, қадимги Миср фиръавнлари нафақат ясама соч кийишлари, балки соқол қўйишлари ҳам шарт бўлган. Шу боис



Хапшепсут деган фиръавн аёл расмий учрашувларга иягига ёпиштирилган ясама соқол билан қатнашган.

Инсоният ташқи кўриниши ҳақида бош қотиргани сайин унга бир хаёл тинчлик бермай келган: **Ўз жамолини ўзи кўриш!**

Мана, нима учун кўзгу кашф этилганидан кейин пардоз-андоз, мода, кийимлар бичимида кескин ва оммавий ўзгаришлар юзага кела бошлаган экан! Айнан кўзгунинг пайдо бўлишидан кейингина одамлар тақинчоқларга қизиқиб қолганлар. Шу боис тақинчоқларга доир мода юзага келган. Масалан, қадимги даврларда фақат ахлоқсиз хотинларгина бўйнига тилла занжир тақишган («янги бойлар» буни билишмайди, ҳойнаҳой). Ҳозирги давр «металлист»лари урфи бўлмиш темир тўғали камарлар, шапалоқдек ҳалқалар ҳам маънавий қашшоқлар безаги ҳисобланган. Аммо бошқа жойларда, аксинча, тилла тақинчоқлар нафақат қулоққа, бўйин, билакка, балки оёққа, бурунга ҳам тақилган.

Хуллас, «Мода нима?» деган саволга, бу эскирган урфлардир, деб жавоб берсак, ҳақ бўламиз чоғи...

**Дилфуза ЎРОЛ қизи тайёрлади.**


**Москвадаги Халқаро**
**Абу Али ибн Сино академиясининг магистри**

**табиб ХУРСАНД АЛИ**

**табобат хизматини таклиф этади:**



· Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қоратaлоқ касалликлари;
· Бепуштлик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата бези шамоллаши;
· Буйракдаги тошларни тушириш;
· Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
· Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
· Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
· Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

**Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Кумовул (Бектемир) қўрғони.**
**Телефон: (+99897)156-57-31. Лицензия № 95**
**Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.**



***Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги***

**2519-АВТОЖАМЛАНМА ДАВЛАТ КОРХОНАСИ**

**маъмурияти шу ҳудудда яшаётган "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни**



**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!**

Ойлик маошлар қуйидагича:
Ҳайдовчилар учун 600 000 сўм.
Чиптачилар учун эса 170 000–200 000 сўм.
Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида "Д" тоифали ҳайдовчилар тайёрланади.
Ўқиш муддати 6 ой. (3 йил ишлаб бериш шарти билан)
Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).
3. 3х4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. "B", "C" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари(нусхаси) тақдим этилади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси (собиқ Иркутск) 20-уй. Мўлжал: Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН: 266-38-31**





**ЭРТАЛАБКИ ТАҚВОЛИ НОНУШТА АСОСИДА:**

- Сурункали қабзият;
- Асабийлик;
- Соғломлашиб, табиий семириш;
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Қон томир, ичакларни, бўғимдаги тузларни табиий тозалаш;
- Ойига 5–15 кг.гача озиш;
- 3 ойда 10 ёшга ёшариш;
- Болалар муаммолари;
- Қоннинг шакар микдори ва босимини меъёрлаш;
- Юзни оқартириб, жарроҳлик амалиётисиз ёшартириш (ажин ва доғлар);
- Италия, Франция ҳамда Америкадан келтирилган табиий маҳсулотлар.

**Мурожаат учун телефон: (+99897) 710-03-11. Халқаро тоифали WELLNES тренер Лола Қаландарова. (+99897) 711-32-05 (Хоразм). Маҳсулот сертификатланган. №0738045**


**Ҳурматли аяжонимиз Шарофат Ёдгорова!**



63 ёшга тўлишингиз билан чин қалбдан табриклаймиз.
Биз фарзандлар бахтига доимо соғ-саломат бўлинг!

**Ҳурмат билан қизингиз Гулжаҳон,**
**Шаҳрисабз шаҳри Саъдий маҳалласи.**

**Қадрли Турди ака!**

Сизни 20 август таваллуд айёмингиз билан қутлайман. Узоқ умр, соғлик-саломатлик, оилавий бахт тилайман.

**Абдиназар Нурматов,**
**Самарқанд вилояти Мушкент қишлоғи.**



**Асал набирамиз Рухсорахон!**

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Ўзбек қизларига хос барча ижобий хислатларга эга, ақлли, доно қиз бўлиб вояга етишингни Яратгандан сўраб қоламиз.

**Бобонг Ҳабибулла Турсунов**

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

# КЕЙИН ГАПЛАШАМИЗ...

Дарвозадан эрини ишга кузатаётган Зилола шикоят қилди:

— Дадаси сиз ўғлингиздан, ўғлингиз сиздан кеч қайтаяпти. Уйда кечқурунлари сўппайиб бир ўзим ўтираман.

Зокир хотинига ажабланиб қаради:

— Ўғлинг нега кеч қайтади? Қарасанг бўлмайдими?

— Қуш уясида кўрганини қилади, дегандай, сиздан ўрганаётгандир-да. Ҳарқалай, сиз отасиз. Сизнинг гапингиз менинг гапимдан кўпроқ таъсир кўрсатади. Уям катта йигит бўлиб қолди. Сиз шуниям сезганингиз йўқ.

— Нима қилишим керак? — тоқатсизлик билан сўради Зокир.

— У билан гаплашишингиз керак, — талаб қилди Зилола.

Зокир остона ҳатлай туриб:

— Майли, гаплашармиз... — деб қўйди.

У шошилганича ҳовлидан чиқиб кетди. Зилола ортига қайтиб очиқ деразадан ичкарига қараб ўғлини чақирди.

— Асқаржон, болам. Турсанг бўлмайдими? Кун туш бўлаяпти-ю, сенинг ётишингни қара.

Ичкаридан ҳеч қандай садо чиқмади.

* * *

Кафеда мусиқа шовқини қулоқни батанг қилади. Ўзаро гаплашаётганлар бир-бирининг қулоғига оғзини қўйиб қичқиради. Алоҳида хоналарнинг бирида Асқар улфатлари Жамшид ва Рашид билан чақ-чақлашиб ўтирарди. Кимдир сигарет чеккан. Кимдир арақ ичган. Хуллас, улар ўтирган хона тутунга тўлган.

Жамшид Асқарга қараб овози борича қичқирди:

— Асқар, нега хўмрайиб ўтирибсан. Очилиб-сочилиб ўтирмайсанми, мундоқ. Ё чўнтак қуриб қолдими?

Рашид оғзидан тупук сачратиб Асқарга пишанг беради:

— Нима деётганингни биласанми, ўзи, Жам. Биласанми, дарё қуриса қурийдики, лекин Асқарнинг чўнтаги қуримайди. У сенга ўхшаб майда-чуйда эмас. У «крутой» бола.

Асқар ўтирган жойида қанот ёзган қушдай бир керишиб қўйди.

* * *

Бир неча кундан сўнг Зилола эрига яна ўша гапини такрорлади:

— Дадаси, ўғлингиз билан гаплашиб олмайсизми?

— Ишга кечикаяпман. Бошқа сафар, — тўнғиллади Зокир.

Аёл не қиларини билмай нолиган бўлди:

— Ҳар доим шунақа дейсиз. Асқаржон ўзгариб қоляпти.

— Ҳа, энди кичкина бола эмаску, — деб Зокир мамнун ҳолатда кўйлагининг ёқасини тўғрилаб қўйди.

— Кечқурун кеч келдим, дейсиз, эрталаб эса кечикяпман, дейсиз, — деб эрининг костюмини узатди.

Зокир эса овозини баландлатди:

— Эртага гаплашармиз, ҳозир бошимни қотирма. Шошиб турибман, ўзи.

Зокир ҳовлидан чиқиши биланоқ ичкаридан Асқар кўринди. У онасининг олдига келиб бир муддат каловланиб турди-да, сўнг кескин оҳангда:

— Ойи, менга бироз пул керак эди, — деди.

Зилола ҳам шуни кутиб тургандай иккиланмасдан жавоб берди:

— Сенга ҳар куни пул керак.

— Зарил эди-да, ойи... — чайналди Асқар. — Бир компьютерчидан дастурлашни ўрганмоқчиидим. Шунга...

— Ўтган куни репетиторга, дединг, бердим. Телефон қилиб сўрасам, бормабсан. Тўрт кун аввал ўртоқларим билан театрга тушмоқчимиз, дединг, ўғлимга эс кириб маданиятли бўлиб қолибди деб ортиғи билан бердим. Унгаям бормабсан. Ҳар куни битта баҳонанг бор.

— Ойи...

— Энди бунақаси кетмайди, — дея гапни чўрт кесди Зилола.

* * *

Бу гал Асқар ўртоқлари билан кўчада учрашди. Жамшид ҳол-аҳвол сўрашни ҳам насия қилиб мақсадга кўчди:

— Анув болалар билан бугун учрашамизми?

Жим турган Асқарга қараб Рашид муддаосини айтди:

— Пулни нима қиламиз.



Асқар ўртоқларига бошдан-оёқ бирма-бир разм солиб чиқди-да, қатъий оҳангда:

— Энди пулни ўзимиз топишимиз керак, — деди.

Жамшид талмовсиради:

— Фақат ишдан гапирма. Қарз кўтарармиз.

— Билмадим, бошим қотиб турибди, — деди Асқар.

Рашид уларнинг жонига оро кирди:

— Бошқа бир режа бор. Сал қалтисроқ. Кўнсанглар бўлди...

* * *

Зокир диванда чўзилиб ётган кўйи бетоқатлик билан телевизорнинг пультини босар экан, аёли унинг осилиб қолган билакларига қараб:

— Анча семириб қолибсиз. Телевизорга соатлаб қараб ўтириш одамни йўғонлаштириб юборар экан. Кўпроқ пиёда юриш керак, — деб маслаҳат берди.

Зокир эса хотинининг гапига парво ҳам қилмай телевизорни у каналдан бу каналга тинимсиз алмаштирарди.

Хотини яна эрини гапга тортмоқчи бўлиб:

— Ҳарна, Асқаржоннинг кайфиятлари яхши. Илгаригидай тажанг эмас. Аввалгидай пул сўраб безор ҳам қилмайди. Оғирлашиб, камгап бўлиб қолган, — деди.

Зокир аёлининг ваҳимачилигини уқтиришга далил топгандай салмоқлаб гапирди:

— Сен бўлсанг бекорга ваҳима қиласан. Ўғлингиз билан гаплашмайсиз, тергамайсиз деб бошимни қотирасан. Ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетаверади.

Йўқ, Зилола ҳам "Ҳа, шундай бўлаверар экан-да", деб қўймади.

— Барибир гаплашиб туришингиз керак. Ишонасизми, сизларнинг ҳам ота-боладай бўлиб нималарнидир маслаҳатлашиб, ишларингизни бирга режалаштириб юришларингизни истайман. Икковингиз эса, гўё бегонадайсизлар.

— Ҳамма нарсанинг вақти-соати бўлади, хотин, сизлар буни билмайсизлар. "Ойгул билан Бахтиёр, ҳар нарсанинг вақти бор", — деб ҳазиллашди Зокир.

— Топган баҳонангиз шу: "Гаплашармиз, гаплашармиз..." Лекин, ҳеч...

— Эртага...

Шу пайт эшик жиринглади. Зилола шошиб ташқарига чиқиб кетди. Бироздан сўнг ташқаридан бегона овоз, сўнг эса "Зилоланинг "Уйдалар, келинг" деган паст оҳангдаги овози эшитилди. Зокир тезда кўйлагини эгнига ташлади-да, ташқарига йўналди. Эшикда бегона бир одам турарди. Хотини секин эрига қаради.

— Келинг, — деди Зокир.

— Тоҳиров Асқар шу уйда яшайдими? — деб расмий оҳангда сўради бегона одам.

— Ҳа-а... Нима гап? У менинг ўғлим... — деди у.

— Мен жиноят қидирув бўлимиданман, — деб Зокирга тик қаради келган киши, — Сизнинг ўғлингиз Тоҳиров Зокир Жамшид, Рашид деган шериклари билан бирга ўғрилик қилган. Бир неча хонадонларни тунаб кетишган. У бугун жиноят устида қўлга олинди.

Зилола қўрққанидан "оҳ" деб юборди ва ерга ўтириб қолди ва зўрға:

— Бўлиши мумкинмас... Ахир... — деб жим қолди.

Зокир Зилоланинг қўлтиғидан олиб:

— Ўзингни қўлга ол, Зилол, — деб уни турғизмоқчи бўлди.

Зилола эрига аччиқ таъна қилди:

— Ана энди ўғлингиз билан бемалол гаплашарсиз, дадаси...

Зокир эса ғамгин ерга қаради.

**Эшқобил ШУКУР**

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**Қўй (21.03–20.04)**



Бу ҳафтада кутилаётганидек, деярли барча бурж вакиллари ўзига хос синовлардан ўтишади. Шу боис сиз ҳам ушбу кунларда ўзингизни қўлга олинг ва шижоатни сусайтирманг. Ҳақлигингизга бўлган ишонч рақибларингизга нисбатан энг самарали қуролдир.

**Бузоқ (21.04–21.05)**



Қилдан қийиқ ахтарадиганларга қаршилик кўрсатишнинг мавриди эмас. Ундан кўра йўл қўйган хато-камчиликлар эришган ютуқларингизни бир сарҳисоб қилсангиз куймайсиз. Руҳий ва жисмоний куч-қувватингизни кўпроқ ўзингиз учун фойдали ишларга бағишланг.

**Эгизаклар (22.05–21.06)**



Раҳбар ва юқори лавозимдаги ҳамкасбларингиз билан зиддият пайдо бўлса, босиқроқ муомала қилинг. Унутмангки, бахсли савол-жавоб ва арзимас тортишувларнинг барчаси сизга қарши «ишлайди». Буларни амалий ҳаракатингиз билан енгиб ўтасиз.

**Қисқичбақа (22.06–22.07)**



Ушбу ҳафта сизга илмий ва ижодий ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришни маслаҳат берамиз. Қолаверса, атрофингиздагиларга ҳам ўз қобилиятингизни намоён қилишнинг вақти келди. Ҳар бир қадамингиз хайрли ва омадли келади.

**Арслон (23.07–23.08)**



Катта ўзгаришлар ва жиддий режаларни амалга ошириш учун сизда ушбу ҳафтада қувват манбаи етарли эмас. Давом эттириш билан бирга битказишим лозим деб билган ишларингизни вақтинча тўхтатиб туришингиз тўғри келади. Лекин сира тушкунликка берилманг. Сизда руҳий кўтаринкилик етарли даражада.

**Сунбула (22.08–22.09)**



Ўз ҳис-туйғуларингизга боғлиқ руҳий ва ҳаётий режаларингизни амалга ошириш учун қулай ҳафта. Қобилиятингизни намоён этишга шошилинг. Уй ишлари ва оилавий муносабатлардаги иштирокингиз ҳам бундан мустасно эмас.

**Тарози (23.09–22.10**



Бу ҳафтада яқинларингиз бир қанча юмушларни уддалашингизда сизга хайрихоҳ бўлибгина қолмай, балки беғараз кўмакдош ҳам бўлишади. Ҳаётингизда юз бериши мумкин бўлган барча ўзгаришлар сизнинг жасоратингизга боғлиқ эканлигини унутманг.

**Чаён (23.10–22.11)**



Меҳмондорчиликлар, кўнгилли ташрифларнинг мезбони бўласиз. Бундан фойдаланиб, оилавий ва хизмат билан боғлиқ алоқаларни мустаҳкамлаб олишнинг гали келди. Кечки овқатга нуфузли ва амалдор шахсларни таклиф қилсангиз нур устига аъло нур бўлади.

**Ўқотар (23.11–21.12)**



Ўз-ўзингизга нисбатан ички ишончингиз ортиб бораётганини сезасиз. Агар айрим кўнгилсиз ҳолатлар юзага келгудек бўлса, эътибор берманг, акс ҳолда, ундан қочиб қутулиш ўрнига кучли нафрат ва кўнгил совишига мубтало бўлишингиз мумкин.

**Тоғ эчкиси (22.12–20.01)**



Қизиқарли анжуманлар, базмлар, кўнгилочар тадбирларнинг иштирокчисига айланасиз. Фикр алмашишингиз, билимларингизни бойитиб олиш учун қулай фурсат.

**Қовға (21.01–19.02)**



Ҳамма нарсанинг ҳам якуни бўлади. Куч-қувватингизга «дам бермасдан», фойдали нарсаларга сарфлаб қолинг. Фақат ҳаддан ортиқ босим билан ишлаш ҳам тавсия этилмайди. Ахир, бу соғлиқнинг эговидир.

**Балиқ (20.02–20.03)**



Режангиздаги янги лойиҳалар учун ахборот ва ғояларни амалиётда синашингиз мумкин. Юлдузлар ушбу бурж вакилларига барча соҳада энг омадли ва жўшқин ҳафта эканлигини ваъда қилишмоқда.

**Нурхон ПАРДА қизи тайёрлади.**

# ...ТУҒИШГАН АФЗАЛ

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

Кўринишидан деҳқонлиги сезилиб турган қорамағиз, басавлат йигитнинг сотаётган мевалари эътиборимни тортди-ю, шу ерда тўхтадим. Сотувчи тарози палласига қип-қизил олмаларни солар, унинг рўпарасидаги харидор эса қандайдир бир ички ғурур билан шундай сўзларди:

— Барака топинг, оғайни. Жуда сара меваларни етиштирибсиз. Уч кило тортаверинг, бугун сингилларим жиянларим билан меҳмонга келишади. Шунинг учун ўғилларимга ҳам айтмай, ўзим бозор-ўчарга чиқдим...

Ўзгача бир меҳр билан айтилган сўзларни эшитиб, "ялт" этиб мижоз тарафга қарадим. Унинг юз-кўзларидан гўёки нур ёғилиб турарди. Мен сездирмасдан ҳалиги одамни бир қур кузатдим, сўнг у ҳам, мен ҳам йўлимизда давом этдик...

Ҳозирги ёшлар биз — кексаларнинг жуда таъсирчанлигимиздан ҳайрон бўладилар, гоҳо куладилар ҳам. Бозордаги ана шу оддий воқеа мени шунчалар ҳаяжонлантирдики, сингилларининг меҳмонга келишидан қувониб, уларнинг кўнглини олиш, иззат-икром кўрсатмоқ учун югуриб-елиб бозорлик қилаётган АКАнинг ортидан бориб, меҳру муҳаббатимни, миннатдорчилигимни тўкиб солгим, унга энг яхши тилакларимни билдиргим келди. Биламан, менинг бу гапларим ҳозирги замоннинг айрим йигит-қизларига ортиқча ҳис-ҳаяжон бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса...

Бу ёруғ оламда энг катта, бебаҳо давлати — ота-онаси ҳаёт бўлган ўғилларим, қизларим! Падари бузрукворингиз, волидаи муҳтарамангизнинг кўнгилларини тоғдек кўтарадиган амаллардан бири, инсоний фазилатларнинг энг гўзалларидан бўлмиш туғишган ака-укаларингиз, опа-сингилларингиз билан аҳиллик эканини йиллар ўтган сайин чуқурроқ англаб бораверасиз.

Менинг бир тутинган синглим бор, ўзи асли марғилонлик. Хизмат тақозоси билан пойтахтга келиб, оила, бола-чақа қилганига ўттиз йилдан ошди. Ўзининг айтишича, она шаҳрига бориб, ота-онасидан ёдгор бўлиб қолган опа-сингиллари,



акаларини кўриб қайтгач, анча вақтга етадиган руҳий қувват тўплаб келгандек бўлар экан. У билан дардлашиб ўтирсак, шундай деди:

— Биз туғишганларини доим йўқлаб турган одам ўз жигаргўшаларига меҳр-оқибат кўрсатяпти, деймиз-у, аслида, у ана шу хайрли амали орқали, аввало ўзига яхшилик қилар экан.

Кейин билдиргин ушбу фикрини қуйидагича изоҳлади:

— Ота-онам ўтганларидан кейин Марғилонга борсам, энг каттамиз бўлгани учун дастлаб катта опамни йўқлайман. Келганимдан хабар топган барча туғишганларим дарров йиғилишади. Уларнинг давраси, дийдори, меҳрибончиликлари, самимий ҳазиллари, маслаҳатлари, ўрни келганда кўнглимни кўтаришларидан шунчалар бағрим тўлади-ки... Худди яшаш, ишлаш учун янгидан куч-қувват олгандек бўламан. Ҳар қандай вазиятда ҳам суянсам арзийдиган тоғларим борлигини ҳис этиб яшайман.

Ҳақиқатан ҳам, шундай.

Ҳикоят қилишларича, бир йигитнинг хотини ёшлигига бориб, эрига қайнонасидан, қайнсингиллари, қайнукасидан шикоят қилавераркан. Эри индамас экан, охир-оқибат, келин хонадонда тез-тез жанжал чиқарадиган бўлибди. Навбатдаги жанжалдан кейин йигит хотинига қараб:

— Шу пайтгача ўз ақлу фаросатинг билан фаҳмлаб оларсан, деган хаёлда шикоятларингга индамай қўя қолардим. Аммо сени энди тушундим, мениям, ўзингниям қадрламас экансан. Менга сендақа хотиннинг кераги йўқ, — дебди.

— Ҳо-о, сизга мендан кўра ўша уйи, рўзғори бошқа бўлган туғишганларингиз афзал эканда, — деб яна баттар чиранибди хотини.

— Ҳа, — деб жавоб қайтарибди эри. — Хотинни топса бўлади, аммо ота-она, опа-сингил, ака-укани бошқага алмаштириб, янгилаб бўлмайди!..

Бу ҳикоят билан хотиндан кечиб юбориш осон, демоқчи эмасман. Аммо унинг моҳиятига қон-қариндошнинг бир-бирига кўрсатиши мумкин бўлган оқибату садоқатини, меҳру мурувватини бошқалардан топиш амри маҳол, деган оқилона ўгит жо бўлган, деб ўйлайман. Ахир, бекорга "бир қориндан талашиб тушган", "қон тортади" деган иборалар ишлатилмайди-да!

Турмушга чиқиб кетган опаси ёки сингилсининг дарвозасини тақиллатиб бориб, "Яхши ўтирибсизларми? Оилангиз тинч, бола-чақаларингиз омонми? Соғиндим, бир кўргим келди", — дея қўниб ўтиш учун жуда ортиқча ҳаракат ҳам, харажат ҳам талаб қилинмайди. Лекин бу хайрли амалнинг шарофатидан икки олам мунаввар бўлиши шубҳасиз.

Ҳадиси шарифларда ҳам туғишганларни эъзозлаб, йўқлаб туришнинг ажру савоблари беҳисоблиги ҳақида кўп айтилган. Унутмайликки, ўғил-қизларининг аҳиллигидан ота-онанинг боши кўкка етади. Аслида, уларни бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган, ардоқлайдиган, ҳар хил вазиятларда тушунадиган қилиб тарбиялайдиган ҳам — ота-она. Ёш бола дунёни, атрофидагиларни ота-онасининг нигоҳи, фикр-мулоҳазалари орқали англаб боради. Ақлини таний бошлаганидан "Бу – аканг (ёки уканг, опанг, синглинг), у билан аҳил бўлишинг керак. Бир-бирингни ранжитсанг, бир-бирингдан аразлашсанг, мен қаттиқ хафа бўламан", — деган таъкидни кўнглига жойлаб катта бўлган болалар бир улкан чинор шохлари каби чирмашиб, қувватга тўлиб улғаядилар.

Энди... ҳар бола – бир дунё, дейдилар. Фарзандларни боғдаги кўриниши, ранги-рўйи, ҳиди турфа хил бўлган гулларга қиёслагим келади: уларнинг қай бири билим олишга, бошқаси ҳунар ўрганишга уқувли. Бири чаққон, хушмуомалали, киришимли, яна бири сал оғир карвон, тортинчоқ бўлиши мумкин. Шундай вазиятда улардан бирини ҳадеб мақтайвериш бошқаларининг дилини оғритади, ўкситади, бу туйғу болаларнинг руҳиятига тош бўлиб чўкаверади. Сўнгра улар улғайганда, "Ота-онам ёшлигимиздан сени яхши кўришарди", деб бир-бирларига нисбатан кек сақлашлари ёки ота-онага тик қараб: "Ўзи, азалдан шу болангизга меҳрибон эдингиз, мени ёмон кўрардингиз", — деб иддао қилишлари ҳам шундай муносабатнинг мевасидир.

Туғишганлари аҳил, оқибатли бўлган хонадонни бир кўркам иморатга ўхшатгим келади. Бундай тотувлик, аҳиллик авлоддан-авлодга ўтиб боради, бу иморат яна ҳам кўркамлашиб, мустаҳкамланиб, салобати ортиб бораверади. Аксинча бўлса-чи... Аллоҳ сақласин!

Зеро, ака-укалари, опа-сингилларига қадрдон инсон ўзгаларни қадрлашни билади, ўзи ҳам қадр топади.

**Саодатхон МЕЛИҚУЛОВА**

# ЁН ҚЎШНИ — ЖОН ҚЎШНИ

МЕҲР ҚОЛУР...

Боғимиз тўридаги бостирмали айвоннинг шифтига мусичалар ин қурибди. «Она» мусича чала қурилган уяда тухум босиб ётибди. «Ота» мусича эса супурги чўпими, хас-хашакларими тумшуғида олиб келиб, жуфтига узатиб турибди. Бир гал навбатдаги «қурилиш ашё»ларини узатса ҳамки, урғочиси тумшуғи билан олишни уддалай олмади. Ҳар сафар чўплар ерга тушиб кетаверди. Олтинчи сафаргина бинойидек тумшуғига илинтириб, чўпларни гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига тартибли қилиб жойлади. Биласизми, мен бу «оила»га қараб ҳавасим келди. Ана иноқлик, ана сабру тоқат, ана бир-бирига бўлган меҳр-шафқат! Бу манзара ҳалигача кўз олдимдан кетмайди. «Қўшнинг ҳам уяси бузилмасин», дейишади қарияларимиз кимдир ажрашган ёки жуфтини йўқотиб қўйган бўлса...

Яқинда чоп этилган қўшнилар ҳақидаги мақола мени анча мулоҳазага ундади. Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир юртда биз каби қўшнилар бир-бирига меҳрибон, ардоқли бўлмаса керак.

Дарҳақиқат, қўшниларни кўрдим, юзим кулиб тушмасин, деб баланд девор урдириб қўйган. Қўшнилар бор, узоқ муддатга сафарга кетаётиб «Қўшни ё ўзингиз, ё келинингиз бизнинг уйга кўчириб яшанглар, ҳеч бир ерга қулф-калит осмадим», деган. Кимникидадир тўй бўлса, кечкурун меҳмонларни ҳамсоялар уйига олиб кетишади, тўйхонада жой оз бўлади деб. Бу ҳам чиройли бир удум, одамгарчилик намунаси!

Яқинда уч кунгина Тошкентда меҳмон бўлиб қайтдим. Қўшниларнинг бир-бирлари билан аҳил-иноқлигини кўриб, жуда суюндим.

...Бир йили онам хасталикка чалиниб ётиб қолди. Қўшнимиз хоразмча тансиқ таом — тухум барак кўтариб келди. Бироздан сўнг, овқат келган идишга меваларни солиб олиб борсам, ўзлари неваралари билан сабзавот шўрва ичиб ўтирибди. Хижолат тортиб: «Ойингиз бетоб бўлганларини эшитиб, товуқларнинг тухумини йиғиб юриб, алоҳида таом пиширган эдим, ўзимизга шўрва қилдим», деса, жуда ноқулай сезиб кетдим ўзимни...

Бир яқин дўстим айтиб берган эди: Икки девор-дармиён қўшни узоқ йиллар гаплашмай юришади. Бирининг қизи турмушга чиқадиган бўлибди. Тўй арафасида иккинчи қўшни ўртага одам қўйиб, «Илтимос, мени ҳам тўйга айтсин, шундай яхши кунида бормасам, ярашмасам, қачон бораман, этагимдан тошни тўкдим», дебди. Тўй куни икки қўшни ҳеч нарса бўлмагандай, қучоқлашиб, кўришиб кетишибди...

Шунинг учун ҳам «Ён қўшни — жон қўшни», дейдилар-да. Илоё, бир-биримиздан ҳеч қачон меҳр-мурувватимизни дариғ тутмайлик!

**Бекпошша РАЗЗОҚОВА,**
**Урганч шаҳри.**

МУНОСАБАТ



# УЯЛИ ТЕЛЕФОН ЖЎЯЛИМИ?!

## “ЎРГАНИБ ҚОЛГОН ЁМОН” — 30-СОН

Ушбу мақолани ўқидим-у... кўз олдимдан "Янгиобод" буюм бозорини тўлдириб, ҳатто ташқарига ҳам чиқиб кетган "сотка" бозоридаги ғаройиб манзаралар ўтди. У ердаги ихчам, ранг-баранг, турли-туман ҳажм ва кўринишга эга бўлган телефонларни кўриб шошиб қоласиз. Нархи ҳам чўнтакбоп. Янгиси бир кўйлак баҳосида, эскироғи картошка нархида. Тугмасини босиб турсангиз, исталган ҳудуд билан боғланасиз, мусиқа тинглайсиз, сурат-видеога оласиз, истасангиз футбол, боксгача кўриш мумкин. Мўъжизанинг ўзгинаси. Тўғри, "сотка"нинг кашф қилиниши XX аср охирларидаги энг катта янгиликлардан бири. Лекин ҳар қандай кашфиётнинг ҳам бир нозик томони, яъни яхши ва ёмон кўриниши бўладики, буни халқимизда "тангaнинг икки томони бор", дейилади.

Очиғи, уяли телефон айримлар ўйлаганидек жўяли эмаслигига, яъни "кашандалик"нинг бошқачароқ бир турига айланиб улгурганига ишонч ҳосил қиласиз. Нега десангиз, бугун етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма-ҳаммамиз "сотка" деган тўрга илиниб қолдик. Хўш, энди бу матоҳ билан бирга ухлаб, бирга уйғонаётган ёшларимиз, айниқса, балоғатга етмаган ўсмирлар эртага қай йўсинда тарбия топади? Ҳали боғча ёшидаги митти гўдак ёхуд мактабнинг бошланғич синфида ўқиётган болакай ота-онасидан телефон олиб беришни талаб қилаётган бир пайтда биз катталар зиммасига жиддий вазифалар юкланмоқда. Билиб-билмай турли хил кўнгилочар ўйинларга қаттиқ ружу қўйишнинг оқибатлари ҳақида мутахассислар, ҳатто телефон ихтирочиларининг ўзлари одамларни огоҳ этаётган бир пайтда биз ўғил ё қизимизнинг кўнглига қараб, ҳам саломатлигига, ҳам ахлоқ-одобига хавф туғдираётганини кўра-била туриб, лоқайд ва эътиборсиз бўлсак, улар эртага бугунгидан кўра даҳшатлироқ ва хатарлироқ ишларга қўл урмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

**Неъматжон ҲАСАНОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент**

**Кино оламида каттагина шухрат қозонган «Арвоҳ» фильмини кўпчилик кўрган бўлса керак. Ўша кинода тўсатдан вафот этган ёшгина йигитнинг руҳи ҳаётда қолган севикли ёрини ёмон ҳодисалардан ҳимоя қилиш, унга кўмаклашиш учун ўзини ҳар ёнга уриши, аммо қиз севгисига содиқ қолган бўлса-да, шўрлик арвоҳни заррача ҳам пайқамаслиги каби воқеалар тасвирланган. Бу бир кино-да, дейишингиз мумкин. Аммо ҳаётда ҳам шундай воқеалар бўлиб тураркан.**



# МАРҲУМЛАР НЕГА «ҚАЙТАДИЛАР»?

## ТУНГИ УЧУ ЎТТИЗ...

«Эрим билан узоқ вақт бирга яшадик. Тирноққа зор ўтдик. Бола асраб олинглар, ажрашинглар, деганлар кўп бўлди. Фарзандсизлигим сабабини асосан мендан кўришарди. Шу боис эрим яқинларининг гап-сўзларига ҳам қулоқ тутмай, мен билан бир умр яшаб қоладиган бўлди. Аста-секин биздан кўпчилик юз ўгира бошлади. Аммо шунга қарамай, бизлар барибир бахтли эдик. Афсуски, эркак зоти тақдирнинг бу аламли азобига бардош беролмас экан. Шу боисми, эрим кейинги пайтларда тез-тез юрагини чангаллаб қоладиган бўлди. Охир-оқибат, бу дард уни йиқитди. У бир ойгача касалхонада дард билан олишди. Дўхтирлар қўлидан келганини қилишди. Бир куни касалхонада кун бўйи у кишининг олдида бўлиб, уйга қайтмоқчи эдим, бирдан қўлларимдан маҳкам ушлаб олди ва: «Э, худойим, мен кетганимдан кейин аҳволинг нима кечади? Кимларга ташлаб кетаман, сени?» деди секин.

Ўша куни уйга қайтиб келиб, анча пайтгача қўлим ишга бормай ўтирдим. Бу қанақаси бўлди, ўйлардим алам билан. Аслида, ҳамма мени дардманд дерди. Эрим тоғдай бўлиб ана шу гаплардан ҳимоя қилиб келарди, кўрсатмаган дўхтири қолмаганди. Энди эса ўзи касалхонада бу аҳволда ётибди, аксинча, мен — шунча йиллик касал хотин, у шўрликка овқат ташиб юрсам. Бу қандай адолатсизлик? Нега мен эмас, эрим шундай азобланиши керак? Агар вақтида ажрашиб кетганимизда ҳозир у кишининг бошида бола-чақаси парвона бўлиб турмасмиди? Уларга қараб, юраги хасталанмасмиди?

Шу хаёллар билан ухлаб қолибман. Кечаси тўсатдан уйғониб кетдим. Жойимдан туришим ҳамон орқамдан иссиқ бир шамол урилди. Эримнинг «Зайнаб! Тур, Зайнаб!» деган овози эшитилди. Чўчиб, ортимга ўгирилсам, ҳеч ким йўқ. Чироқни ёқиб, соатга қарасам, тунги уч ярим экан.

Мижжа қоқмай, тонг оттирдим. Кун оқариши билан эримга пиширган товуқ шўрвани, унинг тоза уст-бошларини олиб, касалхонага югурдим. Аммо мени кутиб олган шифокор энди кечикканимни айтди. Тунда эрим жон берибди. Соат учу ўттизда...

Унинг ўлимидан кейин тамом бўлдим. Икковимиз бирга яшаган уйда сўппайиб қолдим. Укам ўзининг аҳволи у қадар яхши бўлмаса ҳам, мени қўярда-қўймай уйига олиб кетди. «Ҳозирча биз билан яшаб туринг. Равшан жиянингиз беш ёшга тўлганда, уни сизга бераман, икковларингиз бирга яшайверасизлар», деди. Уйимизнинг чироғи ёниб турсин деб, қайнонаси билан сиқилишиб яшаб келаётган бир дугонамни вақтинча меникида яшаб туришга кўндирдим. Дугонам бу таклифимдан жуда хурсанд бўлиб, кўчиб ўтди. Аммо орадан бир ҳафта ўтмай, ранги қути ўчганча мени излаб келди.

— Айтсам, ишонмайсан. Аммо кеча уйимизга эринг келди. Дадамиз уйида йўқ, рейсда эди. Болалар ухлаб ётибди. Кимдир туртқилагандек бўлди, уйғониб кетдим, остонада эринг турибди. «Зайнаб қани?» деди у. Қўрққанимдан тилим калимага келмай, дағ-дағ титраб туравердим. «Қўрқдингми? — деди кейин яна эринг. — Мени кўрса, Зайнаб ҳам қўрқиб кетса керак-а? Илтимос, унга айтиб қўй, мен Зайнабнинг олдида яна бир йил бўламан».

Дугонам менинг уйимга қандай шошиб кўчиб келган бўлса, шундай кетиб қолди. Эримнинг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамади. Укамнинг уйидан ўз уйимга қайтиб келиб, тинчгина яшай бошладим. Аммо дугонам айтганидек, эримнинг арвоҳи келиб, безовта қилгани йўқ.

## БИРОҚ ТИРИКЛАР...

Бир куни катта қайноғам келиб, менда гапи борлигини айтди. Укасининг, яъни менинг эримнинг йилини бергандан кейин ўғлини уйлантириши кераклигини, пулдан қийналиб қолганини, шунинг учун эримдан қолган шу уйни сотмоқчи эканини айтди. У десам, бу деди, бу десам у. «Укам гулдек умрини сени деб ўтказиб юборди. Сени деб яқинларидан йироқ бўлди. Энди кўнглинг тинчигандир? Энди сен ҳам бизни тинч қўй», деди. Мен ҳам алам билан «Укангизга текканимда соппа-соғ эдим. Уни мен ўлдирганим йўқ, шу пешонасида бор экан», дейишимни биламан, қайноғам «Ўчир овозингни!» деб, юзимга тарсаки тортиб юборди. Мен чаккамни ушлаб, қотиб қолган пайтим бирдан деворда осилиб турган эримнинг расми лов этиб ўт олди. Қайноғам ҳам, мен ҳам қўрқиб кетдик. Шу пайт сервантнинг устига қатор қилиб териб қўйилган эримнинг расмлари бири қўйиб, бири ерга учиб туша бошлади. Охирида унинг ёшлигида, аскарлик кийимида тушган, ойнага солиб қўйилган расми ҳам чил-чил синганди, қайноғам чидаб туролмади. Шартта ерда ётган расмни қўлларига олиб, қайта-қайта ўпганча, ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Кечир, кечир мени, ука-жон. Бўлди, хотинингни бошқа хафа қилмайман. Кечир, ука!

...Шундан кейин марҳум эрим бирор марта ҳам ҳеч кимнинг кўзига «кўринмади». Менинг эса, ҳар қанча истамай, ҳатто тушимга ҳам кирмади. Бир йилнинг ичида ҳамма ишларим жойига тушди. Ишга жойлашдим. Рўзғорни ўзим тебрата оладиган бўлдим. Жиянимни ўғил қилиб, асраб олдим. Аммо эримнинг руҳи мени қўллаб турмаганда мен бундай кўргуликдан кейин ҳеч қачон яшаб кетолмаган бўлардим.

ЗАМИРА (Тошкент)»

## «СЕН МЕНДАН ҚЎРҚМА...»

Ишонгиси келмайди кишининг. Марҳумлар одатда биринчи ўринда ўзининг ортида қолганлардан безовта бўлиб, уларнинг ўлими туфайли оиласида қийинчиликлар юзага келиб қолишидан чўчиб ҳам яқинларининг кўзига кўринишга мажбур бўларкан. Масалан, жиззахлик Анорхон деган яна бир аёл шундай ҳикоя қилади:

«Эрим вафотидан кейин олтита болам билан чирқиллаб қолиб кетдим. У киши ҳаётлигида каттагина лавозимда ишлар, рўзғоримиз тўкин-сочин эди. Аммо уйда ҳамма нарса бўлгани билан баъзиларга ўхшаб мол-ҳол, пул, тилла деган нарсаларни йиғмаган эканмиз. Эримнинг маъракаларини ўтказишнинг ўзи илгари тўплаб-тошган рўзғорни шип-шийдам қилди-қўйди. Тўғри, қариндош уруғлар баҳоли қудрат қарашди. Аммо қўлдан берганга қуш тўярмиди? Жуда хўрлигим келди. «Мени олти бола билан қандай ташлаб кетдингиз, отаси, — дедим алам билан. — Буларингиз қачон катта бўлиб, қачон қанотимга киради? Шуларга ўзингиз бош бўлиб юрсангиз бўлмасмиди? Қийналиб кетдим. Сизнинг ўрнингизга ўзим ўлиб кетсам бўлмасмиди?» деб юм-юм йиғлаб, ухлаб қолибман. Вақт алламаҳалда эшик секингина тиқ-тиқ этди. Одатда эрим ишдан кечикиб ёки бирор зиёфатдан ичиб келганда ана шундай мўмингина бўлиб эшикни тақиллатарди. Ўша пайтлар у киши болаларни уйғотиб юбормаслик учун астагина ичкарига кириб, остонада турган эски сандиқнинг устига ўтирганча, оёқ кийимларини ечарди. Эшик тақиллашидан кимдир келди, деб ўйламаган бўлсам-да, очиб, ташқарига қарасам, остонада... «эрим турибди». Охирги марта кийган кўк кўйлагида. Орқамга чекиндим. У киши жимгина кириб, сандиқнинг устига ўтирди.

— Совқотмаяпсанми? — сўради мендан.

— Йўқ, — дедим қандайдир хотиржам тарзда, гўёки эрим ўлмаган ва ҳозир қаршимда турган ҳам унинг ўзидек.

— Мендан қўрқмаяпсанми?

— Йўқ.

— Қишга кўмир олдингми?

— Ҳа, амалладим.

— Болалар ухлаб ётишибдими?

— Ҳа, кўриб турибсиз-ку. Ё уларни уйғотайми?

— Йўқ, керак эмас.

Ва шу тарзда у киши билан анчагача гаплашиб қолибмиз. Кейин қачон, қандай қилиб кўздан ғойиб бўлганини аниқ эслолмайман. Аммо шундан кейин бирам енгил тортдимки! Юрагимни эзиб ётган ҳамма ғаму ташвишлар бирдан қаергадир ғойиб бўлгандек эди».

## «ОРҚАНГГА ҚАРАМА!»

«Ўтган йили баҳорда ишхонамиздагилар билан адирга, дам олишга чиқдик. Эрта баҳор жуда серёғин келганидан ҳаво ажойиб, барра ўт-ўланлар ҳиди оламни тутган, унда-бунда лолақизғалдоқлар ҳам бўй кўрсатиб қолганди. Мен ҳам исмалоқ, чучмома тераётган шерикларимга эргашиб адирга ўрмаладим. Қўлимдаги халта анча-мунча исмалоққа тўлганда, бирдан оппоқ қўзиқоринга кўзим тушиб қолди. Хурсанд бўлиб, қўлимдаги пичоқча билан уни бандидан кесиб олдим. Қарасам, сал нарида яна битта шундай қўзиқорин. Буниси анчагина каттароқ экан. Уни ҳам қирқиб олдим. Хурсандлигимдан теримга сиғмасдим. Нарироқда нақ косадек келадиган яна бир қўзиқорин кўринди. Мен унга ҳам қўлимни узатиб, энди бандидан узмоқчи бўлсам, бирдан у қимирлаб, жонланиб қолди. Қўрқиб кетиб, яхшироқ қарасам, қўзиқорин худди бошига катта шляпа кийиб олган митти одамчага ўхшаб, қўлида таёқ ҳам ушлаб турибди. Чўккалаб ўтириб, тушимми бу ўнгимми деб унга синчиклаб тикиларканман, бақириб юборишимга сал қолди. «Қўзиқорин одам» бошидаги қалпоғини ечиб, менга қараб кулганда... таниб қолдим. Ҳа, бундан уч йил олдин автомобил ҳалокатига учраган укам миттигина одамча кўринишида қаршимда турарди.

— Мўминжон, ўзингмисан? — дедим, тилим зўрба-зўр айланганча.

— Опа, қўрқманг. Ҳа, бу менман, — деди у.

Бўғинларим бўшашиб, шалвираб ўтириб қолдим. Аммо ундан кўз узгим келмасди. Укам мендан болаларини сўради, жиянларини, ўзимнинг соғлиғимни суриштирди. «Оёғингиз оғримаяптими? Онамнинг қон босим касали яхши бўлдими?» деди. Кейин саросимага тушган одамдек бирдан гаплашишдан тўхтаб, у ёқ-бу ёққа алангладида, «Майли, опажон. Сиз энди кетаверинг. Фақат орқангизга қараманг», деди».

Ушбу воқеани ҳикоя қилиб берган Бибигул (сурхондарёлик) опа ғаройиб учрашувдан юраги тўлиб-тошиб, кўрганлари туш эканини ҳам, рост эканини ҳам билолмай, кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлиб, кета бошлади. Аммо бир неча қадам босгач, барибир чидолмабди. Лутнинг хотини каби «орқага қарама», дейилишига амал қилмай, укасини яна бир бор кўрмоқ илинжида ўгирилиб қараса, ўша қўзиқорин турган жойдан енгилгина туман кўтарилаётган экан...

## НЕГА ШУНДАЙ?

Айрим аёллар эса эрлари вафотидан кейин нафақат уларнинг руҳи кўзга кўрингани, балки маълум муддат яшаб юргани ҳақида ҳам гапирадилар. Бир қарашда бундай гапларга ишонмаслик ҳам мумкин. Аммо одатда марҳум эрлари «келиб кетгандан» сўнг, аёллар уларни худди тириклигида қандай бўлса, шундай жисман ҳис қилганларини айтишади. Бундай учрашувдан кейин уларнинг кўпчилиги анча пайтгача негадир кучдан кетиб, касал ҳам бўлиб қоладилар. Кўпинча аёллар марҳум эрларининг кўринишлари ёки «ташриф»ларидан қаттиқ қўрқиб кетиб, тезда илму амаллар билан уларнинг руҳини тинчлантириш, ўзларини «халос» қилиш йўлларини кўрадилар. Аммо ишонинг, безовта руҳ айнан ўша амаллар кучи туфайли эмас, хафа бўлганидан қайта кўринмай қўяркан. Гап шундаки, марҳумлар улардан қутилмоқчи эканликларини тушунадилар ва ўзларининг энди тирик эмас, ўлик эканликларига кўникадилар ва хафа бўлиб, хонадонига қайтиб келмай қўядилар. Бутунлай.

Дарвоқе, боя айтилганидек, марҳум эрлари тез-тез «йўқлаб» турадиган аёллар ўз-ўзидан касал бўлиб, кучсизланиб бораверади. Кейин кўп ўтмай оламдан кўз ҳам юмишади. Бу, айниқса, узоқ вақт бирга яшаган эр-хотинлар орасида тез-тез учраб турадиган ҳолатдир. Марҳум эр ўлимидан кейин худди гўдакдек ичикиб, хотини билан мулоқотда бўлгиси келаверади. Бунинг учун эса у билиб-билмай ўша кўзига кўринаётган одамнинг қувватидан фойдаланади. Кекса аёллар марҳум эрлари кўзига бир ёки икки бор кўриниш бериши ҳамон оламдан кўз юмадилар. Чунки уларнинг бундан ортиғига кучи етмайди.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, марҳумлар ҳамма нарсани кўриб турибди, ҳаммасини билади, деган гап тўғри. Биз уларнинг ўлганига кўниколмаганимиз сингари, баъзида улар ҳам тақдирга тан бергилари келмай, ўз ўлимларига ўзлари кўниколмай туришаркан. Шу боис худо тирикларга ҳам, ўтганларга ҳам сабр берсин, деймиз, холос.

*Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.*

## АЖОЙИБ ОЛАМ

### ШАФФОФ БОШЛИ БАЛИҚ

Сувости дунёсида "Мэкроупин микростоум" (Macropinna microstoma) деб номланувчи антиқа балиқ мавжуд. Танасининг бош қисми шаффоф рангда бўлиб, бу балиқ денгиз тубида, жудаям чуқурликда яшайди. Олимларнинг фикрича, шаффофлик хусусияти унинг чуқур ботган кўзларини бошқа йиртқичлардан ҳимоя қилади. Кўзлари ҳам ғалати. Шаффоф бошнинг ичига цилиндр-қувурсимон шаклда чуқур ботиб борган ва бу кўзлар билан у шаффофлик орқали атрофни, ҳатто орқани ҳам бемалол кузата олади.

"Мэкроупин микростоум" 1939 йилда океанолог Уильям Чапман томони-



дан кашф қилинган, аммо унинг тирик нусхасини ҳали ҳеч ким кўрмаган эди. Балиқнинг тирик ҳолатидаги фотосуратини олишга 2004 йилга келибгина муваффақ бўлинди.

Балиқларнинг ушбу тури ўта чуқурликда яшагани учун тадқиқотчиларга уни тўлалигича ўрганиш имкони бўлмаган. Масалан, балиқнинг кўриш тизими қандай ишлашини тушуниш қийин эди.

"Мэкроупин микростоум" нисбатан кичкина балиқ ҳисобланади. Энг йиригининг узунлиги нари борса 15 сантиметрни ташкил қилади. Шаффоф бош аро биз унинг иккита яшил кўзларини, кичкина оғзини ва қорни томон йўналган кенг халқумини кўришимиз мумкин. Балиқ танасининг асосий қисми эса қалин, қорамтир тангачалар билан қопланган. Сузгичлари катта, кенг ва айланасимон. Хуллас, бу балиқ сувости оламида ҳали мўъжизалар жуда кўплигидан далолат беради.

### УЧ КИШИЛИК ШАХМАТ

Дўстингиз билан шахмат ўйнаётганингизда, бошқа бир дўстингиз келиб, "Келинглар, шу шахматни уч киши бўлиб ўйнаймиз" деса, роса кулсангиз керак. Аммо кулишга шошилманг. Чунки бунинг иложи бор. Уч кишилик шахмат мавжуд. Шахмат тахтасининг геометрик шакли ўзгартирилиши ҳисобига учинчи ўйинчи ҳам сафга қўшилиши мумкин.

Шахматнинг бу тури петербурглик Николай Кулаков томонидан ишлаб чиқилган. Ўйин қоидалари одатдагидек бўлади. Ҳар бир ўйинчи 16 тадан шахмат донаси ҳар доимгидек ҳаракатланади. Масалан, пиёда одатдагидай тўғрига ҳаракатланади ва диогонал бўйича икки томондаги рақиб донасини уриб олади.

Ўйин қуръа ташлашга кўра бошланиб, кейинги юриш навбати рақибларга соат стрелкаси йўналиши бўйича ўтади. Ўйин тахтасининг ўртасига етиб келган пиёдаларнинг ярми чап, ярми эса ўнг томонга қараб ҳаракатланади. Марказда ҳаракатланаётган пиёдалар ўртага келганида учта катакдаги донани уриб олиш имкониятига эга бўлади.

**Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.**

## ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●

### «СУПЕРТАОМ»НИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

**Таркибида одам организми учун зарур барча витамин ва минералларни жо қилган янги ўсимлик яратиш тажрибаларига киришилди, дея хабар тарқатди «Санди таймс» газетаси.**

Бу ишга замонамизнинг энг бой кишиларидан бири, «Майкрософт» компаниясы асосчиси Билл Гейтс бош қўшган. Янги ўсимликни яратиш учун дунё илм-фанида «супертаом» номини олган маккажўхори асос сифатида танланди. Айни пайтда бир неча олимлар гуруҳи бу борада изланиш олиб бормоқда, улар генетик инженерия ёрдамида "дала маликаси"нинг янги турини яратишмоқчи. Ҳаройиб ўсимлик энг оғир иқлим шароитларига ҳам чидамли бўлиши, жуда оз сув ичиши кўзда тутилган.

Билл Гейтс жамғармаси бошоқли ўсимликларнинг янги авлодини яратиш лойиҳасига 12 млн доллар ажратди.

### СУНЪИЙ СУТ ЯНА МОЖАРОЛАРГА САБАБ

**Хитойда қизалоқларда эрта жинсий етилишга сабаб бўлган сунъий сут муаммоси аҳоли орасида шов-шувларни келтириб чиқарди.**

Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот вакили Денг Хайҳуа мутахассислар чақалоқларнинг кўкраклари нима сабабдан катталашганини атрофлича ўрганишаётганини маълум қилди.

Матбуотда бу мавзудаги мақолалар чиқа бошлагач, сунъий сут ишлаб чиқарадиган "Synutra" ширкати маҳсулотлари савдоси 35 фоизга тушиб кетган. Иддаоларни рад этаётган ширкат эса маркасини сохталаштиришга қарши қонуний чоралар кўришини билдирди.



Мамлакат жанубида гормонли сунъий сут ичирилган уч қизалоқда нохуш ҳолат кузатилгач, шумхабар тезликда тарқалиб кетди. "Synutra" эса маҳсулотларида гормондан фойдаланилмаслигини таъкидлаяпти.

Эслатиб ўтамиз, Хитойда икки йил илгари ҳам меламинли сунъий сут сабабли 6 бола ўлган, 300 минг чақалоқ касалланганди.

### АНГЛИЯДА ТАРВУЗ ПИШДИ

**Буюк Британиядаги ғаройиб ёз ўлка иқлими учун хос бўлмаган ўсимликлар ўстириш имконини бермоқда.**

Юқори ҳарорат сабабли бу йил Туманли Альбионда тарвуз пишди. Қадимий Личфилд шаҳри тарвузлари Ўрта денгиз тарвузлари билан бемалол рақобатлаша олади. Устига устак, инглиз полиз экинлари янги узилган ҳолда харидорлар қўлига етиб бормоқда.

«Таймс» газетасида ёзилишича, Кентербери шаҳри яқинидаги далалардан бирида Ўрта денгиз соҳилларидан келтирилган киви кўчати ҳам яхши ўсмоқда. У икки йилдан кейин нишона ҳосилини бериши кутилаяпти.

### ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИ ЁПИЛАДИ

**Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкали хавфсизлик тизими таъмирланиши боис сайёҳлар учун бир йилга ёпиб қўйилади.**

Таъмирлаш ишлари 2011 йил 12 октябрдан (бу куни ёдгорлик 125 ёшга тўлади) бошланади. Ҳайкал янги кириш йўлаклари, лифт ва зиналар билан таъминланади. Таъмирлашга жами 26 миллион доллар сарфланиши режалаштирилган.



Озодлик ҳайкали Нью-Йоркнинг энг кўзга кўринган жойларидан бири саналади. Ҳар йили уни 5 миллиондан ортиқ киши келиб кўриб кетади. Ёз мавсумида зиёратчилар сони кунига 20 мингга етади. Озодлик ҳайкали 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ёпиб қўйилган, 2004 йилдан яна ишлай бошлаган эди.

Ёдгорлик 1886 йили Франция томонидан бунёд этилиб, АҚШга совға қилинган.

### 200 ЙИЛ ВАҚТ БОР...

**Яқин 200 йилда инсоният коинотга чиқиб кетиб, у ерни доимий яшаши учун ўзлаштиришга мажбур!**

Бундай илмий фаразни машҳур инглиз астрофизик олими Стивен Ҳокинг илгари сурган. Унинг нуқтаи назарича, инсоният келажагини коинотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Цивилизация шу даражага етдики, яқин юз йилларда Ер куррасининг боши турли ҳалокатлардан чиқмай қолади», деб ҳисоблайди олим. Инсониятнинг сайёрадаги ҳаёти ядро қуроллари, аҳолининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ва табиий ресурсларнинг камайиши оқибатида хавф остида турибди. Одамзот учун фақат биргина йўл қолган — коинотга чиқиб кетиш... Аммо унгача инсоният боши қирғинбарот урушлардан омон қолса бўлгани.

Сайёрамизга энг яқин қуёш системаси ҳозирги технологиялар имкониятига кўра 50 минг йиллик масофада жойлашган. Демак, яшаш мумкин бўлган сайёраларни топиш учун одамзот ҳали кўп изланиши керак экан.

**Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.**

## •СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ

### ДЕМЬЯНЕНКО «НАСАФ» БОШ МУРАББИЙИ

Яқинда «Насаф» клуби мураббийлар штабида ўзгариш юз берди. Иккинчи даврани муваффақиятсиз бошлаган жамоа бош мураббийси Виктор Кумиков истеъфога чиқарилди. Хабарингиз бор, «Насаф» дастлаб 5-турнинг қолдирилган учрашувида «Бунёдкор»га 0:5, кейинчалик 15-турда «Пахтакор»га 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди ва Осиё чемпионлар лигасига йўлланма берувчи ўринлардан деярли маҳрум бўлди. Бундан қониқмаган Қарши клуби раҳбарияти Кумиков хизматидан воз кечди.

Бугун эса клуб футболчиларига янги бош мураббий таништирилди. Яқин ўтмишнинг машҳур футболчиларидан бири, 1986 йили Киевнинг «Динамо» клуби билан УЕФА кубок эгалари кубоги соҳибига айланган, 1988 йилги Европа вице-чемпиони — Анатолий Демьяненко «Насаф» бош мураббийи этиб тайинланди.



Анатолий Васильевич Демьяненко 1993 йилдан бошлаб мураббийлик фаолиятини бошлаган. Украинанинг ЦСК ВСУ, ЦСКА-Борисфен, «Динамо»(Киев) клубида ёрдамчи мураббий (1993-2005), бош мураббий (2005-2007), Бокунинг «Нефтчи» жамоасида (2008) бош мураббий сифатида ишлаган. «Динамо» (Киев) билан бир марта Украина чемпиони ва икки марта Украина кубоги соҳибига айланган. Унинг сўнгги ишлаган жойи сифатида «Нефтчи» клуби бўлиб турибди. Демьяненко Боку клубидан 2008 йил 23 август куни кетганди.

Уч-тўрт йил аввал ҳамюртимиз Максим Шацкихни шуғуллантирган Анатолий Демьяненко бундан буён «Насаф» жамоасини ўйинларга тайёрлайди.




### РАЛЬФ ШУМАХЕР: «МИХАЭЛНИНГ ҚАЙТИШИ БАРЧА УЧУН БАЙРАМ»

«Формула 1» бўйича етти марта жаҳон чемпиони Михаэл Шумахернинг укаси Ральф Шумахер «Welt am Sonntag» нашрига берган интервьюсида ўз акасининг қайтишини маълум қилди.

Катта Шумахер Венгрия Гран-Присида Рубенс Баррикеллога қарши манёвр чиқиш учун музокара олиб бормоқда.

— Михаэлнинг қайтиши нафақат мени, балки чемпионатда қатнашадиган барча спортчиларни хурсанд қилди. Унинг иштирок этиши мусобақага қизиқишни янада оширади, — дейди кичик Шумахер.

Журналистларнинг: «Акангизнинг «Формула 1»га қайтишига қандай фикрдасиз?», деган саволига Ральф: «Баъзида акамни ҳиссизликда айблашади. Бу умуман нотўғри. У ўзгарган, хатосини тушуниб етди. Энди унга ишониш керак», дея сўзини якунлайди.

**Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




«Ота-она қачонки, умид билан вояга етказган нуридийдалари ўзидан тинсагина хотиржам бўларкан. Қизим Зайнаб, афсуски, тушган жойида туп қўйиб, палак ёзолмади. Мақтаган куёвимиз гиёҳванд чиқиб қолди. Қизимнинг келажагини ўйлаб эзилдим. Тўйидан икки ярим ойча вақт ўтгач, унинг туғилган куни бўлди. Отаси, тоғаси билан қутлагани бордик. Не кўз билан кўрайликки, Зайнаб юзи, кўзи кўкарган бир аҳволда бошини ердан кўтаролмай чиқиб келди. Остонада эрим куёвимиз Шуҳратнинг ёқасидан тутиб, алам билан «Қизимни шу аҳволга солган қўлларинг синсин, энди бу уйда уни бир дақиқа ҳам қўймайман», деганча менга қаради: «Ҳеч нарсаси керак эмас, кетамиз», дея чиқиб жўнадик.

Зайнабнинг ҳомиладорлигини билиб, уни авайлаб парваришладим. Неварам соппа-соғ туғилди. Ҳозир уч ярим ёшда. Шундан кейин қизим қонуний ажрашди. Унинг **ёши 25 да.** Институтда охирги босқичда ўқийди. Ёшига мос, зарарли одатлардан холи, диёнатли инсон учраса, хабар берарсизлар.

**МУҲИБА хола,**
**Тошкент шаҳри».**

«Назира узоқ қариндошимизнинг қизи эди. Тўйгача у билан учрашганимизда ҳар сафар йиғларди. Сабабини айтмасди. Турмуш қургач, дастлаб яхши яшадик. Икки нафар фарзанд кўрдик. Уй-жой қурдик. Йиллар ўтгач, кейин билдим — унинг севган йигити бўлган экан-у, ота-онаси автоҳалокат туфайли бир кунда вафот этгач, тоғаси қарамоғига олган экан. Тоғасининг ундан катта иккита ўғли бўлгани учун ҳали-вери Назирага уйланолмаслигини ачиниб, хафа бўлиб айтган. Назиранинг ота-онаси қизининг арз-додига қулоқ солмасдан менга узатишган экан. Эшитишимча, йиллар ўтиб ўша йигит бой-бадавлат бўлиб кетибди. Бир куни у бизникига қизининг тўйига айтгани келди. Балки у яхши ниятда келгандир. Лекин юрагим сезарди, ҳамиша турмушим омонатга ўхшарди. Барибир собиқ севгилисининг уйимгача бостириб келиши нафсониятимга қаттиқ тегди. Хотиним шаънига гард юқтирмаган бўлса-да...

Анча пайт аразлашиб юрдик. Назира «Дадаси бир умр ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг, ажрашайлик», деди. Аччиқ устида ажрашиш учун судга ариза ёздим. Ажрашдик. Шунга ҳам беш йил бўлди. **Ёшим 46 да.** Маълумотим олий. Уй-жойим етарли. Ёшимга мос, қадримга етадиган, садоқатли аёл учраса, мустаҳкам оила қурмоқчиман.

**НУРМАТ,**
**Навоий вилояти».**

«Дўстим Аҳмад билан фарзандларимиз вояга етса, қуда бўламиз деб аҳдлашиб қўйгандик. Унинг қизи Камола Москвада ўқирди. Ўғлим Жасур институтни тугатгач, нуфузли ташкилотда хизмат қила бошлади. Онаси иккимиз уларникига совчи бўлиб бордик. Рози бўлишди. Тўйни бошлаб юбордик. Дўстим ёлғиз қизининг тўйи учун сарфлаган харажатлари олдида бизнинг йиққан-терганимиз урвоқ ҳам бўлмаса-да, буни ҳатто яқинларига ҳам билдирмади. Камола болалигидан Жасур билан ўйнаб катта бўлгани учун уни яхши биламиз дебмиз. Келинимиз дугонасининг никоҳ тўйига борганди, алламаҳалда маст ҳолда кириб келди. Куни-қўшнилар билмасин деб жонимиз ҳалак бўлди. Бу ҳолат тез-тез такрорланиб турди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, келинимизнинг ичкиликка ружу қўйганини ҳам бекитишнинг уддасидан чиқолмадик.

Ичмаган пайтида дунёда ундан яхши келин йўқдай эди. Пиширган таомларининг таъми оғизда қоларди. Афсус...

Жасур фарзанди ўлик туғилгач, ажрашишга қарор қилди. Улар қонуний ажрашишди. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичаркан. Ўғлимиз уйланишга қарор қилгунча олти йил ўтди. Маслаҳатлашиб, «Оила ва жамият»га қўнғироқ қилдик. Талаб этилган хужжатларни хат орқали жўнатдик. Тошкентлик 30 яшар Зулайҳо исмли қизнинг телефон рақамини беришди. Ёшлар учрашишди. Юлдузи-юлдузига тўғри келиб, оила қуришди. Ҳозир ўғлим жудаям бахтли. Зулайҳо ҳам шаҳарликман демай қишлоғимизга мослашиб кетди. Яқинда неварали бўламиз. Сизларни ҳар тонг дуо қиламиз.

**АЪЗАМЖОН ота,**
**Самарқанд вилояти.»**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

КЎЗГУ

# БОЙЛИКДАН АФЗАЛ АМАЛ

Инсон ҳар доим бахтга интилиб яшайди. Унинг бунга ҳаққи ҳам бор. Бахтли бўлиш — инсон ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми эканини изоҳлашимизга эса ҳожат йўқ.

Албатта, тўкис бахт ҳар биримизга ҳаловат бахш этади. Бахтсизлик эса мусибатдир. Шу боис яхшилик ва гўзалликка қодир ҳар қандай инсон бахтлидир. Биз бошқаларга қанчалик шодлик ва эзгулик улашсак, шунча кўп даражада яхшиликка даъвогар бўламиз. Инсон бу дунёда бой бўлиш учун эмас, балки толеи тўкис бўлиши учун яшайди.

Буюк рассом Леонардо Да Винчи айтганидек, «Бахт кўп меҳнат қилганга насиб этади». Ҳақиқатан ҳам, меҳнатнинг гашти одамни осойишта, хотиржам, қувноқ яшашини таъминлайди.

Ҳар бир киши тотли ҳаётга эришишни ўзига энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан унга интилиши керак. Айниқса, тани-жони соғ-омон бўлган киши ўзини бой, бадавлатман деб ҳисоблайдиганлардан кўра бахтлироқдир. Биламизки, агар кимнингдир тоби қочиб, бемор бўлиб ётган бўлса, унга ҳеч қандай бойлик татимайди. Ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўсини йўқотганлар ҳам бу дунёда бахти бутун саналмайди.

Доимо бахтли бўлиш орзусида яшаган, қалби пок, ўзининг нафсини жиловлай олган, савоб амалларни адо этмоқни бурч деб билган, ҳам оилада, ҳам жамиятда ҳалол меҳнати, илму маърифати билан муваффақиятга эриша олган шахсга бахту иқбол ҳар доим кулиб боқаверади.

Биз — бугунги кун ёшлари халқимизнинг бой маънавияти дурдоналари билан танишиб, улуғ шоир ва алломаларимизнинг асарларини мутолаа қилиш орқали «бахт калити»ни топишга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Негаки, ўтмиш бойликларимиз орасида ўлмас қадриятлар жо бўлган неча минг-минглаб нодир ва ноёб китобларимиз ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Биз уларни интернет ёки бошқа тараққиёт манбаларидан ҳар қанча изласак ҳам тополмаймиз. Улар халқимиз орасида «яшаётир».

Барчангизга Яратгандан куну тун саодатли ҳаёт, тотув турмуш тилайман, азизлар. Бу мавзуни тўлдириш, керак бўлса, баҳсу мунозара юритиш энди сизларга боғлиқ.

**Махфират КЕЛДИЁРОВА,**
**Қарши маданият коллежи талабаси.**

Қизларнинг ўртоғи
Ғапнинг бош бўлаги
Доғистон миллий қаҳрамони
Шеърий асар, достон
Фотиҳа, омин
Биродар, ошна



Саёҳатчи, турист
Данак ўзаги
Ота
Факультет раҳбари
Расм чизгиси
Пахта ...-терим мавсуми
Имо-... (мимика)
Рамазон фарзи
Уяли алоқа компанияси мижози
Меҳмон- ... худо
Билса ..., билмаса чин
Қобиқ, пўстлоқ
Сайри-боғ (русча)
Буғдой маҳсулоти
Балиқ буржи
Туман, Наманган вилояти
«...-ука Гримм эртаклари»
Кўриниш, қиёфа
Этикдўз, «Келинлар қўзғолони»
Бурун хасталиги
Чуқур, чоҳ
Ривож, равнақ
Секин, оҳиста
Меров, ғалча
Манзил (русча)
... Раҳимов (актёр)
... Наср Форобий (аллома)
Офарин, тасанно
Зич, жипс
Соғайиш, шифо
Жорий этиш, қўллаш
Қатор
Хабар, ахборот
Туя боласи
Гўшт чопиш асбоби
Нодавлат телетармоқ (аббр.)
... товоғим, кел товоғим
Арслон буржи
Катта ота, бобо
Вулқон суюқлиги



Заҳириддин Муҳаммад ...
Ичи бўш
Ис, бўй, ҳид
Крем (ўзбекча)
Якун, интиҳо
«Вақвақа тўра»
Турган гап, бўлиши тайин
Олис сайёра
Машина ёнилғи идиши
Хитой якка-кураши
Калава
Ёқимли енгил шамол
Орол, Индонезия
Қатиқли сув
Совуқ фасл
Уюрма, торнадо
Ҳалиги (шевада)
Ўқитувчи, устоз
Нишли ҳашорат
Тарихий қадамжо, зиёратгоҳ
Ёғ (синоним)
Ёруғлик, шуъла
...-ишрат
Шоҳмотдаги ҳолат
Ғалир, сўзла
Саҳна асари, пьеса
... Шатунов (қўшиқчи)
Оға-...
Ақлли, билимдон
Оллоҳга эътиқод
Тузга қўшиладиган модда
Улуш, ҳисса
Эрталабки тамадди

**Тузувчи: Пардабой ЭРГАШЕВ**

# ТОПГАНИМИЗ ТЎЙЛАРГА БУЮРСИН-У...

ТААССУФ

**Ҳар тонгда уйғонсак, қишлоқнинг қайсидир бурчидан карнай-сурнай садолари эшитилади. Албатта, бу тўкинлик, фаровонлик, тинчлигимиз боис. Топганини тўйларга деб тўплайдиган меҳмондўст юртдошларимиз ҳаётида ҳар куни бир шодиёна.**

**Табиийки, тўю томошалар кўнгилга қувонч олиб киради. Аммо тўйларимиз, хусусан, никоҳ тўйлари билан боғлиқ айрим нохуш ҳолатлардан кўз юмиб бўлармикан?..**

## ТИЛЛА УЗУК СЎРАГАН ҚУДА

Бир куни таниш аёлнинг кўзларида ёш кўрдим.

— Қизим келганди кеча, — дардини ёрди у. — Бир ҳафтадан кейин қайнонасининг туғилган куни экан. Мен совғага тилла узук оборишим керакмиш. Яна қанақасидан денг, тилласи ўн граммдан кам бўлмаган, охирги модадагисидан!



— Ахир, яқинда қиз узатдингиз, қудангиз сизни тушунса бўларди...

— Қаёқда, қизимга: «Бошқа қудаларимнинг олдида онангиз мени мулзам қилса, сиз ҳам бошқа кўзимга кўринманг», дебди, — энди аёл кўз ёши қилишга тушди. Сўнг тез ўзини ўнглаб олди-да, тараддудланди:

— Бир ўртоғимдан қарз сўраб қўйвдим, кетиб қолмасин, бора қолай...

Ўғил туққан оналарга нима бўлди? Наҳот, бировнинг оғриниб, бошқалардан қарз-ҳавола қилиб олган совғасини хотиржамлик билан қабул қилсалар? Ўзбек оналарининг табиатида бундай қусурлар қачон пайдо бўлақолди?

## БИР СИГИРНИНГ ПУЛИГА... КЕЛИН КЎЙЛАГИ!

У аёлни йўловчи машинада учратиб қолдим. Биз кетаётган йўлдан турнақатор «ЗАГС» машиналари ўтиб қолаётганди, аёлнинг ҳасрат дафтари очилиб кетди:



— Ҳа, ҳозирги ёшлар-а! Бир кунлик орзу-ҳавасни деб ота-онасини қанча машаққатга қўяётганини билишармикан? Мана, мен. Бир ҳафта бўлди, қизимни чиқарганимга. Қизим тушмагур, нақд икки юз долларга келин кўйлагини «прокат»-га олиб кийган экан. Гаровга паспортини ташлаб келибди. Тўй бир кунда ўтди, аммо кўйлакнинг пулини тўлашга келганда... Дадасидан минг таъна-дашномларни эшитиб, сигиримизни соттирдим. Бир сўмини олиб қолмай, ҳаммасини шаҳардаги ижарага келин кўйлак берадиган жойга ташлаб келаяпман.

Уйга толасан киши: чиндан ҳам ёшларимизга нима бўлаяпти? Улар бир-бирларидан ўрнак олаяпти. Қайсидир дугонасининг ҳашамдор кўйлакларни кўрган қиз эртага никоҳ тўйида ўзини ҳам шундай кўринишда бўлишини истайди. Ота-онасининг имконияти билан ҳисоблашмайди, икки оёғини бир этикка тиқиб олади.

Қолаверса, ҳар ўттиз дақиқада телеэкранларимизда реклама қилинаётган турли салонлар, келин кўйлагини ижарага берувчи жойлар келинлик остонасида турган қизларимиз эътиборини тортади. Кошки улар арзонроқ бўлса, энг муҳими, тикилиш услуби ўзбек қизларига тўғри келса!

Кўз ўнгимдан битта келин кўйлаги учун бутун бошли сигирини сотган оила кетмас экан, қизларимизни никоҳ тўйида мулоҳаза билан иш тутишларини, уларнинг бир кунлик «гўзал»ликлари (елкалари очиқ кўйлакда гўзал кўриниш мумкинмикан, аслида) ота-онасига қимматга тушишини англашларини истардим.

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# ҚИЁФАСИЗ ЁЛҒОНЧИ

АКС-САДО

*Тубанликнинг чегараси йўқ.*
*Евгений Евтушенко*

Эрталаб ишга келгач, газетамизнинг ўша куни чиққан янги сонини кўздан кечириб ўтиргандик, телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан келаётган овоз жуда таниш эди:

— Ассалому алайкум! «Оила ва жамият»ми? Мен доимий муштарийларингизман. Ҳар ҳафта пайшанба кунини интиқиб кутаман. Мана ҳозиргина газетани ўқиб чиқдим, баъзи мулоҳазаларим бор...

Бизга қўнғироқ қилган онахон кўп йиллар шифокор бўлиб ишлаган Мухтабар ая Азлархонова эди. «Ёрдам беришдан аввал...» деган мақолада тилга олинган воқеага ўхшаш ҳодисага у киши ҳам гувоҳ бўлибди. Айтишларича, топар-тутари жойида қўшнисининг ҳовлисига дабдурустдан афтодаҳол бир киши кириб келибди. Эркаклардан ҳеч ким бўлмаганми, нотаниш кимса уй бекасига «дард»ини достон қилибди. Олис вилоятдан келгани, яқин инсони куни кеча шифохонада қазо қилгани, уни ўз қишлоғига олиб кетишга қўли калталик қилаётгани, энди озроқ пул топса, «жондан азиз жигар»ини шу ердаги бирор қабристонга кўмиб кетиши кераклигини айтиб йиғлабди. Устамонлик билан тўқилган воқеани эшитган Шарофат ая(исми ўзгартирилган)нинг ҳалиги бечораҳол одамга раҳми келиб, ўзининг «сўнгги сафар»и учун тайёрлаб қўйган бор пул-нарсаларини сандиғидан чиқариб берибди. Ҳалиги эркак эса муддаосига эришгач қиёматлик опа-ука бўлиб қолишга ваъда бериб жўнаб кетибди. Шарофат ая бир «муҳтож»га чин дилдан ёрдам бергани учун ўзича мамнун бўлиб юрса, орадан бир-икки кун ўтмай, маҳаллада товламачи ҳақида гап тарқалибди. Ҳожатбарор онахон бу гапни эшитиб, секин суриштирса, бу ўша кунги «тутинган» укаси бўлиб чиқибди...

— Ё, тавба, одам боласи шундай қабиҳликка қўл урса-я? — дея куйинади Мухтабар ая. — Бировнинг ўлимлигини алдаб олиб кетишдан ор қилмаган кимсанинг охирати не кечади, ахир? Ана шундай сурбетлар ҳақида кўпроқ ёзилса, маҳалла-кўйда айтилса, юртдошларимиз сергак тортишарди. Бир қаллобга эмас, муҳтожга ёрдам қилинса, қандай яхши!

Куюнчак муштарийнинг айтганича бор: эл оралаб оққўнгил инсонларни лаққиллатиб юрган бундай пасткашлар ҳар қандай ёлғон-яшиқни тўқишдан қайтмайди. Лекин бировнинг ризқ-насибаси бошқага буюрмайди. Шундай экан, мақолада таъкидланганидек, ҳар биримиз огоҳ бўлайлик, кўз ёши тўкаётган ҳар каснинг кўнглида яхшилик уруғи экилган бўлса-ку, нур устига нур, ёмонлик яширинган бўлса-чи?

**Фаррух ЖАББОРОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

АЖАБО!

# “СЎРАСАНГИЗ БЎЛМАЙДИМИ?”

Пойтахтимизнинг Фарғона йўли кўчасидаги “Рисовий” бозорчасида жойлашган озиқ-овқат дўконларидан бирига кириб, уч-тўрт хил нарса харид қилдим. Сотувчи аёл калькуляторда ҳисоблаб, ҳаммаси олти минг бўлганини айтди. Мен пулни узатдим. У санаб .бўлгач, “тўғри” деди-да, бошқа харидор ёнига кетди. Мен бирпас кузатиб турдим. Ичкарида мижозларга хизмат қилаётган иккала сотувчи бошқалар билан ҳам худди шундай йўсинда савдо қиларди. Охири чидолмадим. “Нима, сизларда касса аппарати йўқми? Нега чек бермаяпсиз?” десам, бурчакда турган йигит ўрнидан тура солиб, “Сиз биздан чек сўрадингизми? Мана, керак бўлса, ҳозир бераман”, дея жаҳл қилса бўладими?!

Дўконда ўн чоғли одам бор эди. Шуларни олдида ҳалигини изза қилиш учун “Ука, нега мен сендан чек сўрашим керак экан? Бу қайси қоидага тўғри келади, ўзи? Ким билади, менинг пулим давлатнинг кассасига эмас, сенинг киссангга тушаётгандир. Шунинг учун нафсингни эмас, қонунни ҳурмат қил!” дедим-у, секин чиқиб кетдим...

Шу воқеага бир ҳафта бўлди. Ҳар куни уйимга шу дўкон олдидан ўтаман, аммо унга киришга ҳеч оёғим тортмайди. Хўш, менинг ўрнимда сиз бўлсангиз нима қилар эдингиз?

**Зафар МУҲАММАДИЕВ,**
**Тошкент шаҳри.**


# «ЎКТАМХОН-НУР»

## ЎҚУВ МАРКАЗИ

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамшира** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Ҳамшира** (тезкор) — 3 ой.
**Тиббий массаж** — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар** — 2 ой (амалиёти билан).
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой (амалиёти билан).
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой (амалиёт билан).
**Педикюр, маникюр** — 1 ой (амалиёт билан).
**Сартарошлик** — 3 ой (амалиёти билан).
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Элита парда ва чойшаблар олий курси** — 1 ой (амалиёт билан).
**Сартарошлик** — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
**Каштачилик** — 3 ой (машинкада вышивка).
**Тўқувчилик** — 2 ой.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

**Ўқишга қабул ҳар куни**

■ **Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади.** ■ **Ётоқхона мавжуд.**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.**



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-50
Котибият: 237-21-82
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 732. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 8711
Навбатчи муҳаррир — **Фаррух ЖАББОРОВ**
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА**

ISSN 2010-7609

2 3 4 5